O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 23-fevral, chorshanba ● № 8 (709) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

АХБОРОТ ХИЗМАТИ: МАСЪУЛИЯТ, ТЕЗКОРЛИК ВА ХОЛИСЛИК

Юртимизда иш юритаётган ахборот хизматларининг фаолияти талаб даражасидами? Кишини ўйлантирадиган, мушоҳада этишга ундайдиган мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида соҳа билан фаолияти бевосита боғлиқ масъул ходимларнинг фикрлари билан қизиқдик.

4-бет

«ҚОРА ОЛТИН» МАМЛАКАТИ



Тарихий манбаларда таъкидланишича, ал-Кувайт шаҳрига 1613 йил асос солинган. "Кувайт" сўзи эса "баланд тепаликдаги қалъа" маъносини англатади. Аслида бу ном араб тилидаги "баланд тепалик" ва "қалъа" сўзлари асосида ясалган.

5-бет

СУРХОНДА БОДОМ ГУЛЛАДИ

Ўқувчилар қўлларига битта донадан кўчат олиб, катта кўкаламзорлаштириш ишига ўзининг кичкинагина ҳиссасини қўшиш учун мактаб томон шошади.

Маҳалла аҳли бир-бирини ҳашарга чорлаган. Ёшу қари бир ёқадан бош чиқариб, ҳадемай ташриф буюрадиган кўкламни кутиш билан овора.

8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **18 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида иқтисодиёт ва сармоя соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2010 йилдаги фаолияти кўриб чиқилди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ парламентга тақдим этилган ваколатларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитди.**

■ 18 февраль куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

■ **Италиянинг Сан Пьетро шаҳрида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир қатор тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда Италиянинг Кампания ҳудудида жойлашган бешта шаҳри маъмурияти раҳбарлари, Европарламентга сайланган депутатлар, илмий-академик доиралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда кўплаб сайёҳлик фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этди.**

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ ҲАР БИР КУНИ МАЗМУНЛИ

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ўғил-қизларнинг ҳар томонлама соғлом камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 71-мактабгача таълим-муассасасида 387 ўғил-қиз тарбияланади. Боғчанинг тажрибали тарбиячилари болаларнинг ҳар бир куни мазмунли ва самарали ўтиши учун ўқув машғулотларини қизиқарли ўйинлар шаклида олиб боришга, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш учун таълим-тарбиянинг ноанъанавий усулларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Боғчада барча кичкинтойлар рақс ва спорт тўгаракларига жалб қилинган.

Суратда: тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари Нигора Хайруллаева ва Лазокат Собирова «Қўғирчоқ театри»нинг моҳир актёрлари.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Озод юртнинг обод масканлари

«РОҲАТ» — САҲРО ҚЎЙНИДАГИ ШАҲАРЧА

Навоий вилояти қишлоқларида ҳам намунавий лойиҳадаги янги уй-жойлар қад ростламоқда. Шу кунгача вилоятнинг 17 массивида барпо этилган 470 замонавий уй ўз эгаларига топширилди. Айни пайтда 30 массивда ана шундай кўркам 490 уй-жой қурилиши давом эттирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида замонавий қурилиш материалларидан барпо этилаётган, барча қулайликларга эга намунавий уй-жойлар қишлоқларимиз кўркига-кўрк қўшаётир.

Қизилқум бағрида жойлашган, асосан қорақўлчиликка ихтисослашган Томди туманида намунавий лойиҳа асосида Роҳат шаҳарчаси барпо этилмоқда. Бу ерда якка тартибдаги замонавий уй-жойларнинг дастлабки ўнтасида қурилиш-пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

— Лойсувоқ уйларда туғилиб, катта бўлганмиз, — дейди янги уй эгаларидан бири, хусусий тадбиркор Абдулхайр Мирзақулов. — Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқ аҳолисига мана шундай бир-биридан кўркам уй-жойлар қуриб берилаётгани халқимиз турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Шаҳар типида қурилаётган замонавий уйлар ҳар томонлама қулай. Сув, газ, канализация тармоқлари ўтказилган. Бундай шароит одамни янги ташаббусларга, изланишларга ундар экан. Мен ҳам шаҳарчамиз аҳолисига хизмат кўрсатадиган замонавий савдо дўкони қуриб, Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамигача ишга туширишни ният қилдим.

Айни пайтда ушбу массивда яна ўнта янги уй-жой қурилиши давом этмоқда. Бу ишни "Қурилиш гарант Зарафшон" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бажармоқда. Шунингдек, бу ерда 80 ўринли шифохона, 30 ўринли клуб ва бошқа маданий-маиший иншоотлар ҳам барпо этилмоқда.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

Ўзбек футболи дунёни ҳайратга солишга қодир



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча спорт турлари қатори футболни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори футболимиз тараққиётида янги саҳифаларни очиши шубҳасиз.

Ўзбек футболи довруғини дунёга таратишга муносиб ҳисса қўшган футболчи, "Бунёдкор" жамоаси бош мураббийи Миржалол ҚОСИМОВ билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирининг суҳбати мазкур қарорнинг футболимиз равнақидаги аҳамияти, юртимизда футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юртимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда, — дейди М.Қосимов. — Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам қад ростлаган замонавий стадионлар, сув ҳавзалари, спорт манежларининг ўғил-қизлар билан гавжумлигини кўриб, Ватанимиз мустақиллигининг халқимиз ҳаётида яратаётган улуғ ўзгаришларига амин бўласиз. Бундай беқиёс имкониятлар юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб истеъдодли спортчиларни, хусусан, моҳир чарм тўп усталарини кашф этишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори, том маънода, ўзбек футболининг порлоқ келажагини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Мураббий сифатида хорижлик ҳамкасбларим билан футбол хусусида кўп суҳбатлашаман. Қайд этиш жоиз, Президентимиз томонидан футболни қўллаб-қувватлаш ва ушбу соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами ва бераётган самаралари кўпчиликни ҳайратга солади. Дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида Ўзбекистонда бўлгани каби бевосита давлат томонидан футболни қўллаб-қувватлашга бу қадар кучли эътибор қаратилмайди.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз томонидан футболни ривожлантиришга оид ўнга яқин ҳужжат қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда. Албатта, бу эзгу ишлар бугун ўз самараларини бераётир. Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадасининг жаҳон футболидаги юксак мавқеи, ногирон-ампутант футболчиларимиз кетма-кет иккинчи маротаба жаҳон чемпионлигига сазовор бўлгани, Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги беллашувларига биринчи маротаба Ўзбекистондан тўртта жамоа чиққани, яқинда Қатарда якунланган Осиё кубогида футболчиларимиз қитъамиздаги энг кучли тўрт терма жамоа сафидан жой олгани бунинг далилидир.

2 »

Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

ИШОНЧСИЗЛИК ВОТУМИ

унинг аҳамияти ва халқаро тажриба

Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат бошлиғи бўлмиш Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанат ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, суд тизимининг мустақиллиги ва либераллашувини кучайтириш каби бир қатор йўналишларда тарихий аҳамиятга молик туб ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали асосда шакллантирилиб, ваколатларининг кенгайтирилгани, Президент ваколатларининг бир қисми юқори палата — Сенатга ўтказилгани ҳамда Бош вазир ваколати ва масъулиятининг кучайтирилгани бу борада муҳим қадам бўлди, десак янглишмаймиз.

2007 йилда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонунга кўра, парламентдаги кўпчилик ва муҳолифатнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланди, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканлиги тўғрисидаги норма Конституциядан чиқарилди ва Президент давлат бошлиғи бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланди.

3 »

Ўзбек футболи дунёни ҳайратга солишга қодир

(Бошланиши 1-бетда.)

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарорида футбол инфратузилмасини янада такомиллаштириш, болалар футболига эътиборни кучайтириш, профессионал футбол клублари қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, барча қулайликларга эга стадионлар қуриш, мавжудларини жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада мукаммал таъмирлаш, футболни янада оммалаштириш каби долзарб вазифалар белгиланган. Буларнинг барчаси миллий футболимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

— ***Мураббий сифатида юртимизда болалар футболи ривожига қаратилаётган юксак эътибор самараларини нималарда кўрасиз? Чекка қишлоқлардаги ёш истеъдодларни излаб топишда яна қандай имкониятлардан фойдаланиш зарур, деб ўйлайсиз?***

— Ёшларимизда нафақат юксак интеллектуал салоҳият, мустақил фикр, кенг дунёқарашни шакллантириш, балки уларни жисмонан чиниқтириш, оммавий спортни ривожлантириш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекка қишлоқларида ҳам спортни оммалаштириш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, айни пайтда қатор мамлакатлар томонидан қимматли тажриба сифатида ўрганилаётган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти бунга мисолдир.

Болалар спортини ривожлантириш жараёнида футбол алоҳида ўрин тутади. Юртимизда ёш футболчиларни тайёрлаш асосан болалар-ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежлари ва футбол клублари тизимидаги футбол мактаблари ва академияларида амалга оширилмоқда.

Юртимизда болалар ва ўсмирлар футболига бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. Ўзбекистон футбол федерацияси ўсмирлар, ёшлар, олимпия терма жамоалари аъзоларининг қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши учун барча шароитларни яратмоқда. Футбол клублари ҳам ўз тарбияланувчиларига кенг имкониятлар бераётир. Ёш футболчиларимиз Осиё ва Европанинг етакчи футбол марказларида ташкил этилаётган ўқув-машғулот йиғинлари ва халқаро турнирларда қатнашмоқда, хорижлик тенгқурлари билан ўртоқлик учрашувларида майдонга тушиб, маҳорат ва тажрибасини бойитмоқда.

Ҳар бир маҳаллада, қишлоқда футболга иштиёқи баланд болалар кўп. Уларни топиш ва кашф этиш лозим. Бунинг учун мамлакатимиз бўйлаб футбол бўйича болалар турнирларини ўтказишни кўпайтириш керак. Бугун, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам ёшларнинг йил бўйи, ҳар қандай об-ҳаво шароитида футбол ўйнаши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли даражада спорт иншоотлари, сунъий қопламали майдонлар барпо этилган, малакали тренер-мураббийларни тайёрлаш йўлга қўйилган.

— ***Ўзбекистон ва хорижий давлатлар чемпионатларида тўп сурган тажрибали футболчи сифатида мамлакатимизда футболни янада оммалаштириш ва ривожлантириш, ички чемпионат савиясини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.***

— Ўзбекистон футболни ривожлантириш бўйича Осиёдаги етакчи мамлакатлардан бири эканини халқаро спорт ташкилотлари томонидан эътироф этилган. Кейинги йилларда миллий футболимизда Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (ФИФА) ва Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) талаблари асосида профессионал кадрларни тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Профессионал футбол лигасининг ташкил этилгани ҳам ана шундай эътибор самарасидир. Ўзбекистон футбол федерацияси ва мамлакатимиздаги профессионал футбол клублари ўз фаолиятини замонавий талаблар асосида ислоҳ қилаётгани миллий чемпионатимиз нуфузи ошиши, терма жамоаларимиз ўйини кучайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Европа футболининг бугунги тараққиёти болалар, ўсмирлар ва ёшлар футболига бўлган эътибор туфайлидир. Ёш бўлишига қарамай, жаҳоннинг энг кучли футболчилари сифатида тан олинган Лионель Месси ва Криштиану Роналду ҳам 17-18 ёшидан бошлаб ўзини кўрсатган. Қайд этиш жоиз, Европада ҳар йили юқори савияли бир неча футболчининг кашф этилиши одатий ҳолга айланган.

Шундан келиб чиқиб, истеъдодли ёш ўйинчиларимиз ўз салоҳияти ва иқтидорини тўла намоён этишига янада кўпроқ эътибор қаратиш биз, мураббийлар олдида турган долзарб масалалардан биридир. Ёш футболчиларни тарбиялашда уларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигини маромига етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон футбол федерацияси ва Профессионал футбол лигаси ташкил қилган янги мусобақа айни шу мақсадга хизмат қилади. 2011 йилги мавсумдан эътиборан футбол бўйича Ёшлар лигаси мусобақаси ўтказилади. Унда 23 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топган жамоалар қатнашади. Эътиборли жиҳати — бу ёшлар лигасида "пишган" футболчилар эртага халқаро майдонлардаги нуфузли мусобақаларда ишончли ўйин кўрсата олади. Ёшлар лигаси мамлакатимиз бўйлаб болалар ва ўсмирлар футболига бўлган эътиборни янада кучайтиради.

— ***"Бунёдкор" профессионал футбол клубида юксак маҳоратли футболчиларни тайёрлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Юртимизда футболчиларни жисмоний, техник ва руҳий тайёрлаш ишларини хориж тажрибаси билан таққослаганда қандай фарқлар кўзга ташланади?***

— "Бунёдкор" футбол клуби қошида футбол академияси фаолият юритмоқда. Бу ерда 200 нафардан зиёд истеъдодли боладан иборат ўнта ёш гуруҳ кучли мураббийлардан футбол сирларини ўрганмоқда. Иқтидорини намоён этган ёш футболчилар вақти келиб жамоанинг асосий таркибига жалб қилинади. 2011 йилги футбол мавсумида Сардор Рашидов ва Расул Шуҳратов каби иқтидорли ёш ўйинчиларимиз асосий таркибда тўп суради.

Жамоамиздаги ўйинчиларнинг тажрибаси ва савиясини ошириш учун хорижлик мураббий ва футболчилар билан тажриба алмашиш изчил йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар Зико ва Луис Фелипе Сколари каби таниқли мураббийлар, Ривалдо, Денилсон, Стевица Ристич, Жоао Виктор, Эдсон Рамос сингари хорижлик чарм тўп усталари "Бунёдкор" билан ҳамкорлик қилди. Бу тажриба ўз самарасини бермоқда. Бугун мамлакатимиз терма жамоалари сафида "Бунёдкор" вакиллари кўпчиликни ташкил қилади.

Осиёнинг етакчи чемпионатларида қатнашаётган жамоалар ўз таркибига "Бунёдкор" ўйинчиларини таклиф қилмоқда. Ўтган йили Сервер Жепаров ва Жасур Ҳасанов ўз имкониятларини хориж чемпионатларида синаб кўрди. Сервер Жанубий Корея чемпиони "Сеул" жамоасида яна уч йил тўп суради. Жасур ҳам фаолиятини Қатарнинг "Юлдузлар лигаси" етакчиси "Лахоя"да давом эттиради. Осиё кубоги мусобақасидан сўнг "Бунёдкор" вакилларидан Темур Копадзе Жанубий Кореянинг "Инчхон Юнайтед", Анзур Исмоилов Хитойнинг "Чанчун Ятай" жамоаси таклифини қабул қилди.

Жаҳон футболида ҳар бир мамлакат терма жамоаси таркибини шакллантиришда хорижда тўп сураётган легионер футболчилардан фойдаланиш тажрибаси кўп кузатилади. Футболчиларимизнинг хорижда тўп суриб, бошқа мамлакат чемпионатларида тажриба орттириши Ўзбекистон миллий терма жамоаси фойдасига хизмат қилади. Бу Қатардаги Осиё кубоги ўйинларида ҳам ўз исботини топди. Терма жамоамиз муваффақиятига хорижий чемпионатларда тўп сураётган легионер футболчилар катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистонлик футболчиларнинг техник томондан устунлигини хорижлик экспертлар, мураббийлар, мутахассислар, ҳатто рақиб футболчиларининг ўзлари ҳам тан олишди. Осиё кубогидаги ўйинларда терма жамоамиз вакиллари тўпни ушлаб туриш, тезкор ўйин кўрсатиш, футболчиларнинг индивидуал маҳорати бўйича барча рақибларидан устунлик қилди.

— ***Ўзбек футболининг жаҳон чемпионатига чиқиш имкониятлари, бунинг учун футболчиларимиз олдида турган асосий вазифалар ҳақида фикрингиз қандай?***

— Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳар бир футболчининг энг олий мақсади, лекин мундиалда фақат дунёнинг энг кучли 32 терма жамоаси тўп суради. Футболчилари бундай ўйинларда қатнашган мамлакатлар спортида ривожланиш суръатлари жадаллашади. Оддий мисол: Равшан Эрматовнинг Жанубий Африка Республикасидаги жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилиши ёки миллий терма жамоамизнинг Осиё кубогидаги ғалабали одимлари халқимиз руҳияти ва кайфиятини қанчалар кўтарди. Ҳатто футболга қизиқмайдиган ҳамюртларимиз ҳам бугун Равшан Эрматовни яхши танийди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида жаҳон чемпионатига чиқолмаганим — футболчи сифатидаги энг катта армоним. Бугун Ўзбекистон футбол жамоатчилиги олдида турган энг долзарб вазифа — миллий терма жамоамизни 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатига олиб чиқиш. Мамлакатимизда футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқларимиз халқимиз қалбида футболчиларимизнинг жаҳон чемпионатига йўлланма олишига умид ва ишонч уйғотмоқда.

Терма жамоамиз ўйинида катта ўсиш кузатилмоқда. Илк маротаба Осиё кубоги мусобақасининг ярим финалига чиққан бош жамоамиз ҳозир қитъамиздаги энг кучли тўрт терма жамоадан биридир. Агар мана шу мавқеимизни ушлаб турсак, 2014 йилги жаҳон чемпионатига боришимиз мумкин. Бунинг учун миллий чемпионатимизда тўп сураётган жамоалар савиясини изчил ошириб бориш, маҳоратли футболчиларни мунтазам тарбиялаш лозим.

Юртимизда миллий футбол ривожи учун замонавий инфратузилма яратилмоқда. Бугун бу жараён янада жадаллашди. Сўнгги уч йилда ўсмирларимиз ва ёшларимиз футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма олди. Жорий йилда ўсмирларимиз Мексикада бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашади. Олимпия терма жамоамиз 2012 йили Лондонда бўладиган XXX Олимпия ўйинларига саралаш учрашувларини бошлайди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун саралаш турнирига киришади.

Буларнинг барчаси ўзбекистонлик футболчилар дунёни ҳайратга солишга қодирлигидан далолатдир.

ЎзА мухбири
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
суҳбатлашди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Беруний туманидаги "Ёғғар" ОАЖда Қорақалпоғистон шароитида сувни кам талаб қиладиган кунгабоқар ва шу каби экинларни янада кўпайтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний туманларида 255 та фермер хўжалиги 2400 гектар майдонга бу каби экинларни экиш бўйича шартномалар тузишди. Ҳозирги кунгача 3600 тонна кунгабоқарнинг элита уруғи экиш учун тайёрлаб қўйилди.

АНДИЖОН. Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича 60 дан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқилди. Унга кўра, салкам 11 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Пировардида 50 турдан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлана бошланди. Маҳсулотларнинг 90 фоизи савдо шохобчаларининг буюртмаларини ташкил этяпти.

НАМАНГАН. "Ўзметкомбинат" ОАЖнинг вилоятдаги корхонасига ўтган йил давомида режадагидан 12 тонна кўп металлолом топширилди. 20380 тонналик темир-терсак йиғилди.

СИРДАРЁ. Вилоятнинг Янгиер шаҳрида фаолият юритаётган "Carmenta Jantex" қўшма корхонасига 70 минг АҚШ доллари қийматидаги хорижда ишлаб чиқарилган тўқимачилик ускуналари ўрнатилгач, ҳар ойда 10 тонна матога гул босиш имконияти пайдо бўлди.

СУРХОНДАРЁ. Шўрчи туманида хотин-қизлар ўртасида кураш бўйича ўтказилган туман очиқ биринчилигида юз нафардан ортиқ қизлар иштирок этишди. Қизиқарли беллашувда "Кўклам" маҳалласи лобарлари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, "Дўстлик" ҳамда "Култепа" маҳалла барчиноийларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. ЎзМТДП Бекобод шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" ва Бекобод шаҳар "Ширкатлар уюшмаси" ҳамкорлигида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Давлат дастурининг асосий мақсад ва вазифалари, шунингдек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган қулайликлар ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдиришди.

ФАРҒОНА. Фарғона шаҳридаги 28-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, кураш бўйича республика чемпиони Жасурбек Мусажонов Грециянинг Салоники шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган турнирда мутлақ ғолибликни қўлга киритди. У ёшлар ўртасидаги 90 килограмм вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль соҳиби бўлди.

ХОРАЗМ. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 январь куни "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилган қарори ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарор юзасидан махсус дастур тасдиқланди. Ана шу дастурга асосан вилоятда янги футбол жамоалари тузилади. Мусобақалар, турнирлар ташкил этилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда "Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш вазирликлари ходимлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази мутахассислари, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасининг масъуллари иштирок этган тадбирда таълим муассасаларида овқатланиш тизимини яхшилаш, ошхона ва буфетлари мавжуд бўлмаган таълим муассасаларида ошхона шохобчаларини босқичма-босқич ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Ҳурматли юртдошлар!

"АСАКА" банки (ОАЖ)

сизларга қуйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

"Баҳорги-1"

Сақланиш муддати — 1 йил.
Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилгандан (1 йилдан) сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

"Актив-1" — АҚШ долларида.

Сақланиш муддати — 1 йил.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилгандан (1 йилдан) сўнг берилади.

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

БАРЧА ЖАМҒАРМАНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

Тошкент иқтисодиёт коллежи ўқишга таклиф қилади

Таълим муассасасида 2010-2011 ўқув йилида молия, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, халқаро бизнес мутахассисликлари бўйича 2178 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга 63 нафар умумтаълим, 68 нафар махсус фан ўқитувчилари таълим-тарбия беришмоқда.

Таълим муассасаси 2011-2012 ўқув йили учун молия, банк иши, бухгалтерия ҳисоби йўналишлари бўйича умумтаълим мактабларининг 9-синфи битирувчиларини ўқишга қабул қилади.

Манзилимиз: Индекс: 100014, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзе, 37-уй.
Мурожаат учун телефон: 220-03-68.
Интернетдаги манзилимиз: www.tik.cc.uz.
Электрон почтамиз: iqtisodiyot@inbox.uz.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47, Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ИШОНЧСИЗЛИК ВОТУМИ

унинг аҳамияти ва халқаро тажриба

(Бошланиши 1-бетда.)

Қабул қилинган ушбу ҳуқуқий механизмлар, ўз навбатида, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни мустаҳкамлаш баробарида парламентнинг ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, фаолиятини назорат қилишдаги роли ва аҳамиятини оширди.

Айни пайтда Юртбошимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да қайд этганларидек, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда. Шу маънода, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партияга Бош вазир номзодини тақдим этиш ваколатини бериш ҳамда ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтини жорий этиш бўйича Юртбошимиз томонидан илгари сурилган таклифлар демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Шу ўринда, ушбу муҳим амалий таклифлардан бири ишончсизлик вотуми институтининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсак. Ишончсизлик вотуми (лотинча votum — хоҳиш, ирода) кўпгина демократик мамлакатлар парламенти амалиётида қўлланиладиган жараён бўлиб, у ҳукумат фаолиятининг парламент томонидан маъқулланмаганлигини ифодалайди. Ишончсизлик вотуми қабул қилинса, қоида тариқасида, ҳукумат истеъфога чиқиши лозим.

Концепцияда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Олий Мажлиснинг қуйи палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Президент Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби ҳам истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди давлат раҳбари томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг парламент палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Ишончсизлик вотуми билдиришнинг юқорида қайд этилган механизми таҳлили бу борада илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳар томонлама инобатга олинганлигини яққол кўрсатади. Хусусан, хорижий мамлакатлар тажрибасига назар солсак, ишончсизлик вотуми Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция каби аксарият ривожланган давлатларда белгиланган. Хусусан, Буюк Британияда парламентнинг қуйи палатаси ишончсизлик вотуми билдирганда ҳукумат истеъфога чиқиши ёки давлат бошлиғидан парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юборишни сўраши лозим. Германия Асосий қонунининг 67-моддасига кўра, Бундестаг янги Канцлерни кўпчилик овоз билан сайлаган тақдирдагина, ҳукумат бошлиғини истеъфога чиқаришни сўраб, Президентга мурожаат қилиши мумкин. Франция Конституциясининг 50-моддасига мувофиқ парламентнинг қуйи палатаси мутлақ кўпчилик овози билан ҳукуматга ишончсизлик билдириши мумкин. Бундай ҳолатда Бош вазир мамлакат Президентига истеъфога чиқиш ҳақидаги аризани топширишга мажбур.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда жорий этилаётган ишончсизлик вотуми институти хорижий мамлакатлар тажрибасидаги илғор жиҳатлар билан бирга бой миллий тажриба ва давлатчилик анъаналаримизни ҳам ўз ичига қамраб олган. Жумладан, ишончсизлик вотуми институти қуйидаги хусусиятлари билан ўзига хос миллий моделни ташкил этади:

биринчидан, хорижий мамлакатларда ишончсизлик вотуми, одатда, давлат бошлиғи олдига икки танловни қўяди, яъни ҳукуматни истеъфога чиқариш ёки парламент палатасини тарқатиб юбориш. Ўзи тарқатиб юборилиши мумкинлиги боис, хорижий давлатларда парламент палатаси ишончсизлик вотумини билдиришдан ўзини тияди. Мамлакатимизда жорий этилаётган тартибга кўра эса, ишончсизлик вотуми билдирилганда парламент палатасини тарқатиб юбориш масаласи қўйилмайди ва парламент бу масалада қатъият билан ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлмоқда;

иккинчидан, хорижий давлатларда, одатда, янги Бош вазир номзоди ишончсизлик билдирган парламент палатаси томонидан кўрсатилади. Бу эса, ўз навбатида, ўзининг одамларини ҳукумат тепасига олиб чиқиш мақсадида ҳар хил кучлар ўртасида турли сиёсий "ўйинлар"нинг авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Мамлакатимизда жорий этилаётган тартибга кўра, бундай "ўйинлар"нинг юзага келишининг олди олинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ишончсизлик вотуми институтини жорий этишнинг амалий аҳамияти қуйидагиларда яққол намоён бўлишини алоҳида таъкидлашимиз лозим:

аввало, ишончсизлик вотуми давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишига ҳамда узаро тийиб туриш ва мувозанатни таъминлаш механизмининг самарали ишлашига хизмат қилади. Қолаверса, парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги роли ва ваколатларини сезиларли даражада кенгайтиришга олиб келади. Бу орқали парламентимизнинг қуйи палатаси ҳукумат фаолиятини назорат қилишнинг таъсирчан воситасига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳукуматнинг масъулиятини ошириш баробарида унинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда қонунийликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги рақобат ва курашни кучайтиради. Парламентдаги кўпчилик билан бир қаторда парламентдаги муҳолифатда ҳам ишончсизлик вотуми таклифи билан чиқиш имкониятининг мавжудлиги ғоя ва дастурлар беллашувининг доимий тус олишига олиб келади ва ҳар қайси партиянинг дастурий вазифаларини ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишнинг ўзига хос кафолатига айланади.

Бир сўз билан айтганда, Концепцияда Юртбошимиз томонидан таклиф этилган ғоялар, шу жумладан, ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши республикамизда мамлакатни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериши шубҳасиздир.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар номзоди

Солиқ тизими

Сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий эркинлигини таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ислоҳотлар самараси

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори аҳолига янги, замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида бандлик масаласини ҳал этишни кучайтиришга қаратилган эди. Шунга кўра, мазкур соҳада микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2012 йил 1 январгача узайтирилди. Шунингдек, ушбу солиқ имтиёзлари санаторийлар, ахборот-ресурс марказлари, болалар соғломлаштириш муассасалари, ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари хизматларига ҳам татбиқ этиш назарда тутилди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Хўжалик субъектларининг бу борадаги фаолиятини самарали рағбатлантириш муҳим ўрин тутади. Айни шу мақсадга қаратилган Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида қатор имтиёзлар назарда тутилган. Хусусан, ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар 5 йил муддатга мулк солиғидан озод этилиши, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган юридик шахслар учун 5 йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг (солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган) миқдорда, камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда қатор ихтисослашган корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. «Мевасабзавоттайёрловсавдо» компанияларини ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилиш, асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирма ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш, гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш шулар жумласидан.

Яна бир қувонарли жиҳат шуки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ягона солиқ тўлови ставкаси 1 фоизга туширилиб, 6 фоиз миқдорида белгиланди. Бу, албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Албатта, ушбу имтиёзлар натижасида бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ҳамда ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Таъкидлаш жоиз, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун қулай муҳит яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етгани, ҳеч шубҳасиз, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий самарасидир.

Сирожиддин УМАРОВ,
Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси шўъба мудири

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга берилаётган эътибор натижасида чекка, олис қишлоқларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш жадаллашмоқда. Андижон вилоятининг Балиқчи туманида ҳам хусусий сектор субъектлари кўпаймоқда.

Гулистон қишлоғида яшовчи тадбиркор Орифжон Эгамбердиев «Агробанк»нинг туман бўлимидан 20 миллион сўм кредит олиб, «Наргиза» савдо ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди. Макарон ҳамда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган кичик корхонада 12 киши иш билан таъминланди. Ишни тўғри йўлга қўйган тадбиркор банк кредитини муддатидан олдин қайтаришга эришди.

Шу қишлоқда яшовчи 10 уй бекаси «Микрокредитбанк»нинг молиявий кўмагида паррандачилик билан шуғулланишга киришди. Ҳар бир хонадондаги юзга яқин товуқдан кунига 50-70 донадан тухум олиняпти. Бу оила бюджетига катта кўмак бўлмоқда.

***Суратда:** «Наргиза» савдо ишлаб чиқариш фирмаси макарон цехи ишчиси Дилнозахон Усмонова.*

Х.АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат

Электрон хизмат афзалликлари

Сўнгги 2-3 йил ичида «Кредит-Стандарт» ОАТБ, «Асака» ДАТБ, «Ипотекабанк» АТИБ ва бошқа бир қатор банклар мижозларга интернет тармоғи орқали юқори даражада хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

Интернет ёрдамида хизмат кўрсатишнинг амалда қўлланишига бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилинганни ҳуқуқий асос бўлди. Хусусан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлар банк тизимини замон талабларига мос равишда автоматлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда мижозларга интернет тармоғи орқали хизмат кўрсатаётган аксарият банклар томонидан «Интернет банкинг», «СМС банкинг», «Банк-клиент» ва бошқа электрон хизматлар таклиф этилмоқда. Бунда электрон рақамли имзони қўлламай туриб, юқоридаги хизматларни кўрсатиб бўлмайди. Электрон имзо мижозларнинг банкларда очилган электрон ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг дахлсизлигини таъминлаш учун ўрнатилган махсус ҳимоя воситасини очувчи калитдир. Шунинг учун мижозларга электрон рақамли имзонинг очиқ ва ёпиқ кўринишдаги калитлари ҳамда тегишли сертификатлар тақдим этилади.

Қувонарлиси, бу хизматдан фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида электрон имзодан фойдаланувчилар сони 150 мингга етди. Бу рақам банкнинг янги бир шакли ҳаётга дадил кириб келаётганидан далолатдир.

Жаҳонгир ШУКУРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси

Тиббиёт

Ижтимоий ҳимоя — устувор вазифа

Юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, сифатли ва намунали тиббий хизмат кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ногиронларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоялаш устувор вазифалардан саналади.

Қашқадарё вилоятларараро 39-сонли ихтисослаштирилган психиатрия тиббий меҳнат эксперт комиссияси ўз фаолияти жараёнида ногиронликнинг олдини олиш ва реабилитация масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Комиссия шифокорлари томонидан касаллик тури, асоратлари ва даволаш натижасида келиб чиққан оқибатларни таҳлил қилиб, реабилитация даражаси юқори бўлганларга малакали ижтимоий ёрдам кўрсатиляпти, — дейди ТМЭК раиси Зафар Абулқосимов. — Бирламчи ногиронликнинг олдини олиш мақсадида фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларига асосий эътибор берилмоқда. Натижада ўтган йили аввалгиларига солиштирилганда бирламчи ногиронлик 166 тага камайди. 585 нафар ногирон тўлиқ реабилитациядан ўтказилди.

Мисол тариқасида, Китоб туман тиббий меҳнат экспертиза комиссиясида аҳоли ўртасида ногиронликни ўз вақтида аниқлаш, ногиронликни белгилашда "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида олиб борилаётган ишларни келтириш мумкин.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ тушунтириш ишлари туфайли ногирон бўлиб қолишнинг олди олинмоқда. Шундай тадбирлар ҳисобига аҳоли ўртасида ногиронлик кўрсаткичларининг камайишига эришилди. Жумладан, ўтган йил давомида бирламчи ногиронлик 235 нафарни ташкил этди. Бу 2009 йилга нисбатан 111 нафарга кам демакдир. Комиссия томонидан 601 нафар ногирон тўлиқ, 468 нафари эса қисман реабилитациядан ўтказилди.

Туманда соҳа ходимларнинг касалланиш ва ногиронлик аҳволини доимий ва чуқур таҳлил қилган ҳолда даволаш профилактика муассасалари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар сифат ўзгаришларига олиб келди. Касалликлар ва ногиронликнинг олдини олиш ва реабилитация ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида турли учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

АХБОРОТ ХИЗМАТИ: масъулият, тезкорлик ва холислик

Бугун замон шиддати ҳар бир ташкилот ахборот хизмати олдига улкан вазифаларни қўймоқда. Боиси, давлат ҳокимияти органларининг очиқлиги ана шу даргоҳлардаги ахборот хизматлари фаолиятига бевосита боғлиқдир.

Глобаллашаётган дунё саҳнида кўриб, билиб турганимиздек, кечиккан ёки сир тутилган ахборот ўрнини жамоатчиликнинг фикри ва дунёқарашини турли манфаатлар йўлида бошқа ўзанга солиб юбориши мумкин бўлган ҳолатлар эгаллайди.

Маълумки, ташкилот ва муассасаларнинг жамоатчилик билан алоқаларини узвий боғлаб турадиган масъул шахслар хорижда "паблик рилейшнз", бизда эса "ахборот хизмати", "матбуот котиби" каби атамалар билан юритилади. Касб нуқтаи назаридан мазкур хизмат тури ва оммавий ахборот воситаларининг умумий вазифаси битта: холис ва аниқ ахборотни тезкорлик билан оммага тарқатиш.

Мамлакатимизда бу йўналишда қилинадиган ишлар жуда кўп, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар йўқ эмас. Хусусан, вазирлик, корхона ва ташкилот матбуот котибининг у ёки бу масала юзасидан анжуман ва брифинглар ташкиллаштириши, пресс-релизлар тайёрлаши, ОАВ вакиллари билан суҳбатларда ташкилот раҳбари номидан иш тутиши, турли саволларга жавоб бериши, аниқ ва қониқарли ахборот тарқатиши лозимлигини ҳисобга олсак, бу вазифада хизмат қилаётган ходим ўз-ўзидан журналистика сир-асрорларидан ҳам бохабар бўлиши шартлигини англаш қийин эмас. Шу боис, аксарият идораларда қўлида журналистлик дипломи бор мутахассислар фаолият юритишади. Лекин муайян соҳа ходимларининг ўзи бу масъулиятни гарданига олган ҳолатлар кам эмас. Табиий савол туғилади: Ахборот хизматларида журналистлар хизмат қилиши керакми ёки соҳа ходимлари? Қайси ҳолатда иш самарадорлигига ва ишончли ахборотларни фуқароларга тезкорлик билан етказишга эришиш мумкин? Умуман олганда, ахборот хизматлари қандай ташкил этилиши лозим? Юртимизда иш юритаётган ахборот хизматларининг фаолияти талаб даражасидами? Кишини ўйлантирадиган, мушоҳада этишга ундайдиган мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида соҳа билан фаолияти бевосита боғлиқ масъул ходимларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Светлана ОРТИҚОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:

— Оммавий ахборот воситаларини халқ билан давлат ўртасидаги кўприкка қиёслаш мумкин. Ана шу кўприкнинг мустаҳкам бўлиши эса кўп жиҳатдан унда фаолият юритаётган кадрларга боғлиқ. Хусусан, матбуот хизмати олиб бораётган ишлар тизимнинг юзи ҳисобланади, десак муболаға бўлмайди.

Матбуот хизмати раҳбарлари зиммасидаги вазифа жуда масъулиятли. Улардан кенг дунёқараш, юксак маданият, етук билим билан бир қаторда ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўлиш ҳам талаб этилади. Дейлик, божхона тизимида фаолият юритадиган матбуот хизмати ходими фақат ОАВ соҳасига оид билимлар билан чекланиб қолмасдан, ҳақиқий божхоначидек соҳанинг барча икир-чикирларигача билиши зарур. Тиббиёт, суд-ҳуқуқ, умуман, барча соҳаларда фаолият юритадиган матбуот хизмати вакиллари чинакамига ўша соҳа ходимлари либосини кия оладиган даражада шаклланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўн йиллик матбуот хизмати раҳбари сифатида тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, бу йўналишда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Матбуот хизмати раҳбари фақат ва фақат изланиши, ўз устида тинимсиз ишлаши, энг асосийси, касбини севиши керак. Чин юракдан ҳис этиб бажарилган вазифа эса, албатта, ўз натижасини беради.

Матбуот хизмати раҳбари талабчан ва ишни тўғри йўлга қўя олса, ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди. Масалан, бирор тадбир ўтказиш жараёнида фақат маълумот ва рақамлар бериш ёки биргина пресс-релиз, яъни матбуот хабарномаси тайёрлаш билан чекланиб қолмаслик керак. Аксинча, тадбирни ўтказишдан мақсад нима эди, қандай натижага эришилди, қандай йўл тутилганда янада кўпроқ муваффақиятга эришиш мумкин, деган саволлар ечими асосида фаолиятини йўлга қўйиши талаб этилади. Матбуот хизмати раҳбари яхши руҳшунос, нотиқ ва ҳуқуқий саводхонлиги кучли бўлсагина ўз ишини юрита олади. Албатта, у билан журналистнинг воқеликка муносабати бошқа-бошқа бўлиши мумкин. Сабаби, матбуот хизмати раҳбари ўша соҳанинг ичида юрибди, бевосита жараёнларнинг гувоҳи бўляпти. Журналист эса мақола тайёрлаш, тадбирда иштирок этиш мобайнида соҳанинг маълум бир қисми билангина танишади, холос. Лекин ҳар иккаласи ҳам ишончли ва асосли ахборот бериш тарафдори. Ўз атрофига кучли журналистларни жамлай олган матбуот хизмати раҳбари аниқ мақсад сари дадил боради. Ўзи фаолият кўрсатаётган корхона ривожига ривож қўшади.

Тўғри, айрим ташкилот ва муассасаларнинг матбуот хизмати фаолияти қониқарли эмас. Агар матбуот котиблари ва журналистлар соҳага оид меъёрий ҳуқуқий қонунларни яхши билса, қаламга олинаётган мавзу ҳақида етарлича маълумотга эга бўлса, асло бу каби эътирозларга ўрин қолмайди. Зеро, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Юртбошимиз томонидан таклиф этилаётган бир қатор қонун лойиҳалари соҳага қаратилаётган юксак эътибордан далолат беради. Энди бу эътибор ва ишончга матбуот котиби ва журналистлар муносиб жавоб беришлари керак.

Ишонч қачон оқланади? Инсон қалбидаги Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини ўз меҳнати, амалий фаолияти билан ифода этсагина, изланувчанлик, ташаббускорликни фаолиятининг бош мезони қила олсагина оқланади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, филология фанлари номзоди:

— Фуқаролик жамиятини барпо этишда зиммасига катта масъулият юкланган матбуот хизматлари ҳуқуқий-маърифат тарғиботчилари сифатида жамиятда кечаётган ислоҳотларни нафақат қўллаб-қувватлаши, балки мазкур ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунарли қилиб етказа олиши ҳам зарур. Фаолиятимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, сўнгги йилларда марказий матбуот нашрларида Олий Мажлис палаталари фаолиятига доир мавзу етакчи йўналишлардан бирига айланаётгани ва парламент ҳаётини ёритишга ихтисослашган журналистлар қатлами шакллана бошлаганини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Маълумки, фуқаролик жамиятида кенг жамоатчилик давлат органлари фаолиятидан хабардор бўлиши ва унда ўз нуқтаи назари билан иштирок этиши зарур. Шунга кўра, давлат миқёсидаги ҳар қандай янгилик, шу жумладан, парламентнинг назоратаҳлил фаолияти ҳам ахборот тарзида жамоатчиликка етказилишга ва қўллаб-қувватланишга катта эҳтиёж бор. Буни амалга оширувчи энг самарали восита эса ахборот хизматлари ва оммавий ахборот воситаларидир. Яъни, матбуот ва ахборот хизматлари жамоатчилик фикрини шакллантиришда, фуқароларнинг ўзлари сайлаган депутатлар фаолиятига баҳо беришида энг яқин кўмакчидир.

Шу ўринда мавжуд камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Жумладан, бугун миллий матбуотни кузатиб шунга амин бўламизки, ОАВда парламент фаолиятини ёритишда асосан пресс-релизга таянилган расмий хабарларгина берилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида қонунларнинг қабул қилинишида, қўмиталар ва ишчи гуруҳларида қонун лойиҳаларининг муҳокамалари жараёнида фракцияларо тортишувлар, баҳс-мунозаралар, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти деярли ёритилмаяпти. Натижада кенг жамоатчилик, сайловчилар бундай тортишувли муҳокамалар жараёнидан етарлича хабардор бўлолмаяпти ва, ўз навбатида, депутатлар фаолиятидан ҳам қониқиш ҳосил қилолмаслиги мумкин. Бу борада журналистик репортаж жанри имкониятидан кенг фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки репортажда ахборотнинг ҳамма турлари уйғунлашади, воқеалар қандай кечган бўлса, худди шундай ёритилади.

Афсуски, бугун Олий Мажлис фаолиятини ёритишда журналистларимиз жанрлар хилма-хиллигидан самарали фойдалана олмаяпти. Ҳолбуки, жаҳон журналистикаси тажрибасида парламент фаолиятини ёритишда 20 дан ортиқ жанрлардан кенг фойдаланилади, миллий матбуотда эса асосан хабар, мақола, ҳисобот ва суҳбат каби тўртта жанрга таянилмоқда.

Бобур АЛИХОНОВ,
ФЖЎИ лойиҳа раҳбари, ЎзМУ Олий журналистика курслари раҳбари ўринбосари:

— Ахборот хизматлари тўғрисида сўз кетганда, аввало, кўплаб вазирлик, идора ва ташкилотларда ташкил этилган бундай ихтисосли тузилмалар фаолиятининг асл моҳиятини аниқ тасаввур этиб олиш даркор. Аслида, авваллари ҳам турли даргоҳларда бу каби бўлинмалар мавжуд бўлиб, улар турлича номланар эди. Матбуот маркази, матбуот хизмати, матбуот котиби, жамоатчилик билан ишлаш марказлари, гуруҳлари шулар жумласидан.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ахборот хизматлари институтига асос солинди. Хўш, бу билан нима ўзгарди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, янги хизмат аввалги турдош тузилмалардан фарқли равишда, фақат матбуот ёки ОАВ эмас, балки кенг жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиб, кўпқиррали иш олиб боришни кўзда тутади.

Мазкур институционал ўзгаришлар билан бир йўла кенг жамоатчилик ва аҳоли қатламларининг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар мақсад ва моҳияти хусусида беками кўст маълумот олиши, давлат бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш орқали улар устидан жамоат назоратини ўрнатиш каби қатор вазифалар адо этилиши инобатга олинган.

Шу ўринда ахборот хизмати соҳасида ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлигини айтиш лозим. Чунончи, кўплаб ташкилотлар ахборот хизмати ходимлари бу масъулиятли вазифани ўриндошлик асосида бажаришади, штат бирликлари ихтисосли мутахассислар билан тўлдирилмаган. Айтгандек, аслида ахборот хизматининг ходимлари қайси касб эгалари бўлишлари керак? Тармоқ ходимими ёки ижодкор журналист? Бир қарашда у қадар мураккаб туюлмаган ушбу саволга бир ёқлама жавоб бериш тўғри бўлмайди, назаримда. Бир одам икки, тамомила турли касб-корнинг сир-асрорларидан, ўзига хос хусусиятларидан тўлалигича бохабар бўлиши камдан-кам учрайдиган ҳол. Қолаверса, идоравий манфаатга хизмат қилиб, умуммиллий манфаатлар тимсоли бўлмиш журналистикада ижод қилиш мумкин эмас. Ва аксинча, барчанинг ташвишлари ҳақида қайғуриб, ўз идоравий манфаатини ёддан чиқарувчи ходим қайси ташкилотга керак?

Назаримизда, энг оқилона йўл — манфаатларнинг моҳиятан уйғунлигига эришиб, мақсадларнинг муштарак мезонларини кашф этишга қодир мутахассисгина ахборот хизматида самарали фаолият юритиши мумкин.

Дунё тажрибасидан келиб чиқиб ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантиришда эндиликда илғор манипулятив технологияларнинг тез ривожланаётгани боис, бу каби тузилмаларда унинг табиатига монанд бўлган касб эгалари, яъни жамоатчилик билан алоқалар мутахассиси, унга ёндош бўлган имиджмейкерлар, спичрайтерлар, сиёсий технологлар, психолог ва социологлар, стилистлар, нутқ ва нотиқлик санъати усталари фаолият юритиши керак.

Тўрабек ТЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг ҳукумат, ноҳукумат ва бошқа турли ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқаларини йўлга қўйишга ва бу алоқаларни муттасил равишда мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда марказий муассасалар, вазирлик, қўмита ва идораларда матбуот хизматлари ташкил этилди.

Хизмат ишини тўғри ташкил этиш нуқтаи назаридан Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Биргина Адлия вазирлиги мисолида гапирадиган бўлсак, 2006-2008 йиллар давомида вазирлик Ахборот хизматида фақат ҳуқуқшунос кадрлар фаолият кўрсатишган. Табиийки, улар томонидан пресс-релиз тайёрлаш ва маълум бир тадбирларга оммавий ахборот воситалари ходимларини расман таклиф этиш учун хат тайёрлаш вазифалари ҳаминқадар бажарилган. Икки йил давомида бир маротаба матбуот анжумани ташкил этилгани ҳам сўзимиз исботидир.

2008 йилнинг февраль ойидан вазирлик раҳбарияти саъй-ҳаракати билан хизматга ҳуқуқшунос-журналист кадрларнинг жалб этилиши хизмат фаолиятининг тубдан такомиллашувига олиб келди. Амалга оширилаётган ишлар қўламининг сифати ва салмоғи ўсди.

Барчамизга маълумки, ривожланган мамлакатларда ҳукумат, нодавлат ташкилотларнинг фаолияти, жамоатчилик билан алоқалар асосида ташкил этилади. Бизда ҳам бу институт кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Испан файласуфи ва публицисти Ортега Гассетнинг фикрига кўра, «Дунёни жамоатчилик фикри бошқаради». Шундай экан, юртимизда ҳам бугунги кунда жамоатчилик билан алоқалар масаласи тўла ижтимоий воқеликка айланиши лозим.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, олиб борилаётган изчил ислоҳотларни кенг ва фаол тарғиб этиш учун уларни зарур маълумотлар билан таъминлашда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ахборот хизматлари муҳим ўрин тутади. Бу борада мамлакатимизда демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган.

Муҳтарам Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш ҳамда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш каби вазифаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни назарда тутади. Яъни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ва медиа-тузилмалари ишини фаоллаштириш, улар томонидан маълум бир муддатларда брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этиб бориш, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа масалаларнинг ҳуқуқий ечими айнан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топади.

Яқинда Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида қўмитамиз ишчи гуруҳи томонидан "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижроси давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ахборот хизматлари тизимида назорат-таҳлил тартибида ўрганиб чиқилди. Бундан асосий мақсад фуқароларнинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ошкоралик бериш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш борасида аниқ таклифларни ишлаб чиқишдан иборат эди.

Ушбу масалани ўрганиш мақсадида 66 та давлат ва хўжалик бошқаруви органига қўмита томонидан тайёрланган саволнома ва ахборот хизматлари фаолиятини таҳлил қилиш учун махсус сўровномалар юборилди. 11 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ахборот хизматларининг фаолияти бевосита жойларга чиқиб ўрганилди.

Қайд этиш жоизки, бир қатор идора ва ташкилотларда ахборот хизматлари фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилган. Бироқ, айрим давлат бошқаруви органлари, идоралар раҳбарлари ахборот хизматларини зарур оргтехника ва ускуналар, ҳаттоки оддий хизмат хоналари билан ҳам таъминлаб бермаган. Масалан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлигида хизматлар биронта ҳам компьютерга эга эмас. Бундай ҳолат ушбу идораларнинг ўз фаолияти билан жамоатчилик ва аҳолини таништиришга лоқайд муносабатда бўлаётганининг исботидир.

Идора, ташкилот ва муассасаларнинг ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич — бу уларнинг миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ташкил этадиган матбуот конференциялари, учрашувлар, ошкора мулоқот, брифинг сингари турли тадбирлардир. Ишчи гуруҳи томонидан ушбу йўналишдаги ишлар таҳлил қилинганида, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Гидрометереология маркази, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзавтойўл" компаниялари, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Микрокредитбанк", "Қишлоққурилишбанк", "Агробанк", Халқ банки, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва шу каби аксарият идоралар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан биронта ҳам тадбир ўтказишмагани маълум бўлди. Бу ҳолат нафақат юқорида келтирилган қонун ҳужжати талабларига, балки "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонуннинг 5-7-моддаларига, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 7-9-моддаларига ҳам зиддир.

Юқоридаги қонунлар ижросини таъминлашда идора ва ташкилотларнинг ахборот хизматлари томонидан ташкил этиладиган матбуотдаги чиқишлар, телевидение ва радиодаги кўрсатув ва эшиттиришлар сифати ва сони ҳам муҳим аҳамиятга эга. Идоралар ўртасида ушбу мезон бўйича ижобий ишларни Адлия, Иқтисодиёт, Халқ таълими вазирликлари, Давлат солиқ ва мулк қўмиталари амалга оширганлар.

Ўз фаолияти ҳақидаги ахборотларни аҳолига етказиш бўйича молия муассасаларининг чиқишлари эса, аксарият ҳолларда реклама ва эълонлар билангина чекланиб қолмоқда. Банкларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижалари, жаҳон молиявий инқирозига қарши кураш бўйича республикамизда амалга оширилаётган ишларга қўшаётган ҳиссалари ва банк тизимидаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнлари тўғрисидаги таҳлилий материаллар оммавий ахборот воситаларида деярли эълон қилинмаган. "Ўзкоммунхизмат", "Ўзавтойўл", "Ўзбекистон темир йўллари" компаниялари, Тошкент вилояти ҳокимлиги каби идораларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларини эса, бугунги кун талаблари даражасида, деб бўлмайди.

Умуман, назорат-таҳлил жараёни хулосаларига шуни кўрсатдики, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ахборот хизматлари фаолиятини янада яхшилаш чора-тадбирларини кўриш бугунги кун талабидир. Бунинг учун, энг аввало, соҳа фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик механизмларини такомиллаштириш зарур.

Кўриниб турганидек, фикрлар турфа хил бўлса ҳам, мақсад ва муддаолар муштарак манзилни кўзлайди. Мухтасар хулоса шуки, тизимда ким фаолият юритса ҳам, аввало, масъулиятни ҳис қилиши, бугунги кун нафаси билан яшаши лозим. Ахборот хизматлари ва ОАВ ўртасидаги тезкорлик, холислик, ишончлилик каби мезонлар асосига қурилган ҳамкорлик нафақат соҳа тараққиётини, балки мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни юксак босқичларга кўтаришга хизмат қилади. Зеро, жамоатчилик билан алоқалар фанининг асоси ҳам, мутахассислар таъкидлаганидек, моҳият-эътибори билан «жамият манфаатлари йўлидаги ҳаракатдир».

Саҳифани «Hurriyat» мухбири Иномжон АБДИЕВ тайёрлади.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ТЕРАКТ ОҚИБАТЛАРИ

Афғонистоннинг Қундуз вилояти ҳокимлиги маъмурий биноси олдида портлаш содир этилди. Бунинг оқибатида, дастлабки маълумотларга қараганда, 30 киши ҳалок бўлган, 40 киши турли даражада жароҳатланган.

«Associated Press» агетлигининг хабари беришича, портловчи ускунани террорчи-камикадзе ҳаракатга келтирган. Бу пайтда маъмурият биноси олдида кўплаб одамлар бўлган. Жабрланган ва ҳалок бўлганларнинг аксарияти маҳаллий тинч аҳоли вакилларидир.

Тахминларга қараганда, ушбу теракт ортида «Толибон» ҳаракати турган бўлиши мумкин.

АЭРОПОРТ ЭГАЛЛАБ ОЛИНДИ



Ливиянинг Триполи халқаро аэропорти президент Муаммар Каддафи ҳукуматига қарши ғалаён кўтарганлар томонидан эгаллаб олинган.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларда айтилишича, Туркияга тегишли самолёт мазкур аэропортга қўна олмаган. Аниқроғи, қўзғолончилар бу самолётнинг қўнишига имкон бермаган. Аммо ўша пайтда аэропортдан самолётларнинг учиши амалга оширилган.

Аввалроқ пойтахт Триполида ҳукумат биносига ўт қўйилган эди. Шунингдек, давлат телевидениеси биноси ва бир нечта полиция участкалари қўзғолончилар томонидан вайрон қилинган.

Эслатиб ўтамиз, Ливияда оммавий тартибсизликлар 16 февраль куни бошланди. 20 февралга келиб эса, улар бир нечта ҳарбий база ва табиийки, ҳарбий техникаларни қўлга олишди.

Хорижий оммавий ахборот воситаларида тўқнашувлар натижасида 230 дан ортиқ киши ҳалок бўлгани айтилмоқда.

ХДИ ЮТҚАЗА БОШЛАДИ

Германиянинг иккинчи йирик шаҳри – Гамбургда бўлиб ўтган сайлов натижалари эълон қилинди. Унга кўра, мамлакат канцлери Ангела Меркель бошчилигидаги партия – Христиан-демократик иттифоқи мағлубиятга учради. Дастлабки натижаларга қараганда, ХДИ сайловчиларнинг 21,9 фоиз овозини тўплашга муваффақ бўлган.

Сайловчиларнинг 48,3 фоизи оппозициядаги Германия социал-демократик партиясига овоз берган. Энди бу партия вакиллари парламентнинг юқори палатаси – бундесратда ХДИнинг учта ўрнини эгаллайди. Шу билан бирга, Гамбург бургомистри ҳам ўзгаради.

Бу йил мамлакатнинг яна олтита федерал ерида сайловлар бўлиб ўтади. Уларнинг биринчиси 27 март куни Баден-Вюртембергда ўтказилади.

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚА...

Ҳиндистоннинг Бактванг қишлоғида яшовчи Зион Чан энг кўп оила аъзолари бўлган хонадон соҳиби деб тан олинди. 67 ёшли Чаннинг 39 нафар хотини, 94 нафар фарзанди, 33 нафар невараси ва 14 нафар келини бор.

Хонадонда ҳарбийларга хос тартиб-интизом ўрнатилган. Масалан, уй юмушлари барчага тақсимлаб берилган, ҳамма ўз ишини ўз вақтида қилади. Айтганча, ҳар куни кечки овқат учун 30 та хўроз сўйилади, 60 килограмм картошка тозаланади, 100 килограммга яқин гуруч қайнатилади.

Чан ва унинг оиласи 100 та хонага эга бўлган 4 қаватли уйда яшайди. Бу ерда мактаб, дурадгорлик устахонаси, молхона ва товуқхона, боғ ҳам мавжуд.

ИККИТА БАНК БИРЛАШМОҚЧИ

«France-Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, Грециянинг иккита йирик молия муассасаси — Миллий банк ва «Альфабанк» бирлашиши мумкин.

Маълум бўлишича, Греция Миллий банки 18 январь куни «Альфабанк»ка бирлашиш тўғрисидаги таклиф билан чиққан. 3 февралда эса келишувга эришилган. Энди бу битимни ҳар иккала банкнинг директорлар кенгаши тасдиқлаши лозим. Ана шунда мамлакатда йирик банк муассасаси пайдо бўлади.

Греция Миллий банки раҳбари Вассилис Рапаноснинг таъкидлашича, молия муассасаларининг бирлашуви мамлакат иқтисодиётини тиклашга ёрдам беради.

Мазкур банк мамлакатдаги йирик тижорат муассасаси ҳисобланади. У 1841 йилда ташкил этилган. 2009 йилда банк даромади 5 миллиард евродан кўпроқни ташкил этган. Ўша йил якунларига кўра активлар миқдори 113 миллиард евро миқдорида баҳоланган.

25 февраль – Кувайт давлатининг миллий куни

«ҚОРА ОЛТИН» МАМЛАКАТИ

Кувайт умуммиллий даромадининг деярли ярмини, экспорт даромадининг 95 фоизини нефтдан олинаётган даромадлар ташкил этади

Кувайт халқи шу кунларда мамлакат мустақиллигининг 50 йиллиги ҳамда Ироқнинг собиқ режими тажовузидан озод бўлганининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда.

Кувайт Форс (Араб) кўрфазининг шимоли-ғарбида жойлашган араб мамлакати. У шимол ва ғарбда Ироқ, жануб ва жанубий шаркда Саудия Арабистони, шаркда эса Форс қўлтиғи билан чегараланади.

Умумий майдони 17,8 минг квадрат километр бўлиб, ҳудудининг катта қисми саҳродан иборат. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 6 вилоятга бўлинади. 2007 йил маълумотларига қараганда, аҳолиси 3 миллион 300 минг кишидан иборат.

Пойтахти — ал-Кувайт шаҳри. Давлат тили — араб тили. Миллий пул бирлиги — Кувайт динори. Молияий йили 1 апрелда бошланиб, келаси йилнинг 31 мартида якунланади.

Миллий мажлис (Мажлису-л-умма) қонун чиқарувчи орган бўлиб, мамлакат конституциясига кўра Амир ва 50 ноибдан ташкил топади.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, ал-Кувайт шаҳрига 1613 йил асос солинган. "Кувайт" сўзи эса "баланд тепаликдаги қалъа" маъносини англатади. Аслида бу ном араб тилидаги "баланд тепалик" ва "қалъа" сўзлари асосида ясалган.

Кувайт давлати сиёсий мустақилликка 1961 йилда эришган. 1962 йили конституция қабул қилинган. Унга кўра Кувайт конституциявий монархия бўлиб, мамлакатни Амир бошқаради. У насл-насабига кўра Шайх Муборак ас-Сабоҳ оиласига мансуб эркак киши бўлиши керак. Тахт вориси — валиаҳдни Амир танлайди, лекин танланган номзодга мамлакат парламенти — Миллий мажлис ўз розилигини бериши шарт. Акс ҳолда Амир Шайх Муборак авлодларидан бошқа уч нафар номзод парламент ҳукмига ҳавола этилади. Парламент розилик билдирган номзод валиаҳд ҳисобланади ва амалдаги Амир вафотидан сўнг тахтга ўтиради. Шу кунларда Кувайтни бошқараётган Амир Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ давлат тепасига 2006 йил 29 январда келган. Тахт вориси эса Шайх Наваф ал-Аҳмад ас-Сабаҳдир.

Мамлакат иқтисодиёти кўп жиҳатдан нефт ва нефт саноатига таянади. Бутун дунёдаги нефт захираларининг 9 фоизи Кувайтда жойлашган бўлиб, у 104 миллиард баррель атрофида дея баҳоланади. Бу кўрсаткич бўйича у Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши — КАДҲК давлатлари орасида учинчи ўринни эгаллайди. Кувайт умуммиллий даромадининг деярли ярмини, экспорт даромадининг 95 фоизи ва ҳукумат даромадларининг 95 фоизини нефтдан олинаётган даромадлар ташкил этади. Мамлакатдаги бошқа соҳалар ҳам, аслини олганда, нефтдан тушган даромад ҳисобига тараққий этади. Масалан, нефтдан олинадиган даромаднинг катта қисми таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, ободонлаштириш каби ишларга сарфланади. Шу билан бирга, бу даромаднинг 10 фоизи келажак авлод учун аталган махсус жамғарма ҳисобига ўтказиб қўйилади. Юрт тинч бўлган пайтда кундалик эҳтиёж учун ундан фойдаланиш ман этилади.

Кувайтда таълим-тарбия масаласи давлат диққат-эътиборида бўлиб, мамлакатда барча турдаги таълим бепулдир. Бу борада у кўрфаз мамлакатлари ичида етакчилик қилиб келмоқда. Кувайт университети эса энг йирик олий ўқув юртларидан биригина бўлиб қолмай, оламшумул эътибор қозонган илмий-тадқиқот марказидир ҳам ҳисобланади.

Кувайт давлати Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йилнинг декабрь ойида дунё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб тан олган. Дипломатик муносабатлар 1994 йил июль ойида ўрнатилган. Шундан бери икки мамлакат ўртасидаги алоқалар турли соҳаларда изчил ривожланиб келмоқда. Айниқса, бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 19-20 январь кунлари Кувайтга қилган расмий ташрифи Ўзбекистон — Кувайт муносабатларида муҳим воқеа бўлиши билан бирга, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворига асос солди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт давлати ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, икки томонлама солиққа тортмаслик тўғрисидаги, шунингдек, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битимлар ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида мамлакатимизда амалга ошириладиган 9 та лойиҳани молиялаштириш учун 215 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилган меморандум имзоланди. Мазкур жамғарма дастлаб 1997 йилда Нукус ва Урганч шаҳарларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси учун 19,8 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган эди. Юртбошимиз Кувайтга қилган расмий ташрифи доирасида ушбу жамғарманинг бош директори билан учрашган бўлса, 2006 йил июнь ойида унинг юртимизга ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф чоғида республикамиз туманларидаги "171 туман шошилинч тиббий ёрдам марказларини қайта тиклаш ва замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозлаш" лойиҳасига 20,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш ҳақидаги битим имзоланди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон — Кувайт муносабатларида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Бироқ, икки давлат ўртасида ўзаро савдо айирбошлаш ҳажмига келсак, у экспертларнинг фикрича, мавжуд имкониятлар даражасидан анча паст. Шу боис томонлар ўртасида иккиёқлама товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, экспорт-импорт кўламини кенгайтириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш устида мунтазам иш олиб борилмоқда. 2006 йил Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси бошчилигидаги делегациянинг Кувайтда бўлиши ва икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик протоколининг имзоланиши мана шу борадаги саъй-ҳаракатлар жумласига киради.

Маълумки, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг таклифига биноан Кувайт давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 2008 йил 21-24 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Дўстона руҳда кечган музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада юксак даражага кўтариш ва жадаллаштириш имкониятлари ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита тузиш тўғрисида, соғлиқни сақлаш, туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, нефт ва газ, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандумлари, Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, мамлакатимиз ҳукумати ва мазкур жамғарма ўртасида Республика ихтисослашган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича кредит шартномаси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Кувайтнинг "Mohammed Abdulmohsin Al-Kharafi & Sons" компанияси ўртасида меҳмонхона қуриш ҳақида меморандум, мазкур вазирлик билан Кувайт инвестиция агентлиги ўртасида англашув протоколи имзоланди. Хорижий оммавий ахборот воситалари Кувайт давлати Амирининг Ўзбекистонга ташрифига "ҳамкорликнинг янги уфқларини очувчи ташриф" дея баҳо берди.

Биз шу кунларда ўз мустақиллигининг 50 йиллигини кенг кўламда нишонлашга чоғланаётган дўст Кувайт халқини самимий қутлар эканмиз, икки мамлакат раҳбарияти ва халқи ўртасидаги самимий, дўстона руҳдаги ўзаро манфаатли муносабатларга улкан ривож тилаб қоламиз.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ,
шарқшунос

Қазишма пайтида ўнлаб тошга айланган ўсимлик қолдиқлари олинди. Улар кўринишидан оддий сув ўтларини эслатади. Мутахассислар бу ўсимлик турини аниқлай олмаган бўлсаларда, ёшини белгилашди. Чуқур ўрганишлар ва таҳлиллардан сўнг бу ўсимлик бундан 580-635 миллион йиллар илгари ўсган, деган хулосага келинди.



ЭНГ ҚАДИМИЙ ЎСИМЛИК

Хитойнинг Лантьян уездида қазишма ишлари олиб бораётган олимлар ажойиб топилмага дуч келдилар. Шэньси провинциясига қарашли бу ҳудудда энг қадимий ўсимлик қолдиқлари топилди.

Дунё матбуоти саҳифаларида

(«The Guardian», Буюк Британия)

ЛОЙИҲА БАҲОСИ ҚИММАТЛАШДИ


The Guardian
The greatest catastrophe

Газета мухбири Тим Уэббнинг ёзишича, Европага газ тармоғини ўтказиш лойиҳасини амалга ошириш жиддий хавф остида қолган. Бунга лойиҳа қийматининг аввалги ҳисоб-китоблардан қарийб икки баробарга ошгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Айни пайтда қурилишга 20 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб этиляпти.

Мазкур лойиҳа амалга ошса, 3200 километр масофага чўзиладиган Nabucco газ тармоғи Каспий денгизидан Туркия ва Болқон ярим ороли орқали «кўҳна қитъа»га табиий газ етказиб бериши лозим эди. Аммо лойиҳа баҳосининг ошгани вақтинчалик бўлса-да, бунга тўсқинлик қилиши мумкин. Шунингдек, Европа энергетика компаниялари концорциуми иккита «камтарин» лойиҳани таклиф этмоқда. Уларнинг ҳар бири 7,9 миллиард евро миқдорида баҳоланяпти. Лекин ушбу лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилса, кутилган натижага эришиш мумкинми, йўқми, бу ҳақда аниқ ва ишонарли фикр билдириб бўлмайди. Чунки Европа Иттифоқи Россия газига қарамликдан имкон қадар қутулиш ниятида.

«Шу сабабли ҳам, — деб ёзади газета мухбири, — Еврокомиссия Nabucco лойиҳасини қўллаб-қувватлайди. Чунки у Россия газига бўлган тобеликни бир қадам камайтириш салоҳиятига эга. Биргина муаммо шуки, мазкур йирик лойиҳани амалга оширишга киришиш ва қурилишни барқарор молиялаштириш қийин кечиши мумкин».

(«Astrophysical Journal Letters»)

ЯНГИ САЙЁРАЛАР ТИЗИМИ

Астрономлар иккита янги сайёралар тизимини суратга олишга муваффақ бўлдилар. Олимларнинг эътироф этишларича, ушбу «эгизак» тизимлар тараққиётнинг бошланғич босқичида. Бу ҳақда «Astrophysical Journal Letters» журналида мақола чоп этилди.

Мақолада ёзилишича, янги планеталар Гавай оролида жойлашган Мауна Кеа обсерваториясидаги «Субару» телескопи ёрдамида топилган. Олинган суратлардан маълум бўладики, иккита қуёшсимон юлдуз атрофида сайёралар худди Қуёш тизимидаги каби ҳаракатланади.

LkCa 15 деб номланган биринчи сайёралар тизими Ердан 450 ёруғлик йили узоқликда жойлашган, ёши эса бир неча миллион йилларни ташкил этади. Бу эса космик ўлчов бўйича анча оз ҳисобланади (Таққослаш учун бизнинг Қуёш тизимимиз ёши 4,5 миллиард йил).

Олимлар иккинчи юлдуз тизимини AB Aur деб аташди. У биздан 470 ёруғлик йили узоқликда, бор-йўғи бир миллион ёшда. AB Aurнинг атрофида сайёраларга оид гардишлар мавжуд.

(«Rebelion», Испания)

ДОЛЛАР ЎЗ ЎРНИНИ БЎШАТИБ БЕРАДИ...МИ?


LA REBELION

Ўтаётган ҳар бир кун АҚШ долларининг халқаро валюта сифатида жаҳон бозоридаги ўрнини бошқа валютага бўшатиб бериши тўғрисидаги тахминларни исботламоқда. Испаниянинг «Rebelion» газетаси мухбири ўз мақоласида ана шундай мулоҳаза юритади.

Мақолада доллар мавқеининг тушишига кейинги йилларда Хитой иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва дунё бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаши каби қатор омиллар асос қилиб келтирилган. Қолаверса, расмий Пекиннинг асл мақсади шу — Хитой юанининг халқаро валюта нуфузига эришиш. Бу ҳақда мамлакат раҳбари Ху Цзиньтао ҳам бир неча марта айтиб ўтган. Хусусан, у оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларида Хитой халқаро савдо операцияларида доллар ўрнига юанни ишлатишга эришиш йўлида қадам ташламоқчи эканлигини билдирган. Гарчи бу жараён анча кўп вақт ва куч талаб этса ҳам.

«Хитойнинг ҳаракатларида асос бор, — деб ёзади газета. — Катта ҳудуд ва аҳолига эга бўлган бу мамлакат сўнгги ўттиз йил ичида мислсиз даражада иқтисодий ўсишга эришди. 2010 йилда эса мамлакатдаги валюта захираси 2,7 триллион долларга етди. Бу бутун дунё валюта захирасининг 35 фоизи демакдир. Шу сабабли ҳам кўплаб йирик молия муассасалари, масалан, Citigroup, HSBC, JP Morgan ва BBVA сингари банклар Хитой юанидан фойдаланишга қарор қилмоқда. Демак, юань доллар билан бемалол рақобатлашибгина қолмай, ўз устунлигини ҳам кўрсата олади».

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; E.mail: oao@post.uz

“Ватан учун яшайлик” танловига

Дилчироқ

Бу бир кам дунёнинг ғалати қонуниятлари бор. Кимдир обрўни, молу-давлатни қувиб, кечаю кундуз унга эришиш ўйида яшайди, кимнидир эса обрўнинг, мол-давлатнинг ўзи излаб келади. Бажараётган иши, кундалик ташвишлари, эзгу орзулари билан андармон одам буни сезмай ҳам қолади.

...Ўшанда 1996 йил эди. Шукуржон Маматқуловнинг овозаси дўппидеккина Олтинкўлга тез тарқалди.

— Банк коллежига яна янги директор келибди. Жа-а қаттиққўл, талабчан одам эмиш.

— Буям бир йил-ярим йил ишлаб ўзича ўхшатиб, аслида қақшатиб кетмасмикан?

— Унчаликмасдир. Профессор экан. Олим одам...

— Шунақа олим пойтахт Тошкентда, ҳеч йўғи Анжонда ишларди. Тумандаги қўнимсиз бир коллежга қандай кепти?..

Одамлар бир нарсани билмаса гапирмайди. Шукуржон ака чиндан қаттиққўл, талабчан раҳбар чиқди. Туман марказидан қирқ километр узоқликдан, Орол қишлоғидан қатнаб иш бошлади.

Дастлаб савдо техникуми, кейин Андижон банк коллежи бўлган бу даргоҳнинг 4 қаватли ўқув, ётоқхона бинолари қолган эди, холос. Қаровсизликдан анчагина хароб ҳолга келган ҳовлилар файзсиз. Қўққайган бино йиғлаётганга ўхшарди.

Бу масканга файз бериш учун талабчанликдан бошқаси бекорлигини унинг ўзи ҳам яхши англади. Хуллас, ҳамма тенг ишга тушди. Фаррош ҳам, директор муовини ҳам, муаллим ҳам, ошпаз ҳам. Коллеж ҳудуди таъмирчи ким, ходим ким англамай ёшара бошлади. Ҳар бир муаллимга, ходимга алоҳида жойлар ажратиб берилди: «Мана сизга, 20 ўқувчи, 3 та ходим, таъмирчи усталар, масъулликни ҳис қилиб, рақобатчанлик билан иш олиб боринг, марҳамат».

Директор ҳар бир участкани ўзи эринмай кузатди, камчилигини айтди, сўраган асбоб-анжомини, гул уруғи, дарахт кўчатини топиб берди. Бир карра ишни йўлга қўйиб, ҳудудга файз кира бошлаганида режа туза бошлади: “Бу жой ўқув даргоҳи. Чиройли, кўркам бўлиши шарт, аммо истироҳат боғидан фарқи бор. Коллежда ўқув, яхши сабоқ, изланиш, қобилиятларни чархлаш биринчи ўринда туради. Мана бу умид билан гул экаётган, таъмирчига ёрдам бераётган ёшлар ўтган кунлари эвазига кучли билим олиши, келажагини тўғри белгилаган кишилар бўлиб етишиши шарт. Қаерда ўқигансан деса, ҳижолат чекмаслиги керак”. Шу пайтгача ўзи билган, таниган олимларни, мутахассисларни руйхат қилиб чиқди. Буни қаранг, олтинкўллик бўлган 5 та фан номзодини топди. Бари ё Тошкентдаги, ё Андижондаги ўқув даргоҳларида ишлайди. Чақириш керак.

Чақирди, суҳбатлашди. Ниятини, имкониятини айтди. Олим одамларга ортиқча тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Фақат олтинкўлликларгина эмас, бошқа таниш олим дўстлари ҳам келадиган, жуда бўлмаса ўриндошлик асосида ишлайдиган бўлди.

Қурилиш, таъмирлашлар бир йилда тугади. Ўқув хоналари, унча-мунча театрдан қолишмайдиган саҳнали фаоллар зали, кутубхона, ётоқхона, коллеж ҳовлиси бирдек гўзал, ораста кўриниш олди. Қалин қор тушгунча яшнаб турадиган гулзорларга ҳамманинг ҳаваси келадиган бўлди. Профессорлар, фан докторлари, фан номзодлари, малакали ўқитувчилар иш бошлади. Бу ерда ўқиш ёшлар орзусига айланди...

Коллежда ҳаммага тенг жорий қилиб келинадиган уч талаб бор. Биринчиси — интизом. Иккинчиси — самара учун курашиш. Учинчиси эса берилган нарсани исроф қилмаслик, асраб-авайлаш. Аслида, Шукуржон акага буни тақдирнинг ўзи ўргатган.

... Икки фарзандини очлик ва оғир кунлардан асраб қололмаган Абдуллажон яна ўғил кўрганида Оллоҳга шукрона келтириб, унинг исмини Шукуржон деб қўйган эди. Шукуржон бир ёшга етганида эса... ўзи урушга кетди.

— Соттихон, ўзингиз биласиз, сизу менинг бор қувончимиз — қизимиз Ортиқхон ва ўғлимиз Шукуржон. Уларни эҳтиёт қилинг! Урушдан қайтгунимча қийинчиликларга бардош беринг! Буларни ҳам бой бериб қўймайлик.

— Худо сақласин. Унақа қўрқитманг. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг. Болалардан хавотир олманг.

Мана шу суҳбат Соттихонни оғир кунларда суяб ўтди. Шукуржонга ҳам осон бўлмади. Болаликнинг нашъу намосини жуда эрта тарк этди. Вояга етгач, аввал техникумда, кейин институтда ўқиди. Талабалик йиллари опаси Ортиқхонни турмушга узатиб, ҳайҳотдай ҳовлида онасининг ёлғиз қолиши Шукуржонни янаям сергак қилиб қўйди. Энди ҳатто уч кунлик таътилда ҳам Тошкентдан Андижонга, қишлоғига келиб-кетиб юрди. Маҳаллада уй қураётганларга ёрдам қилиб топган пулини рўзғорга харжлаб ўрганди. Аспирантурадан кейин Шукуржонни ўша пайтдаги Тошкент Халқ хўжалиги институтида ишга олиб қолишди. Ишлаб юриб номзодлик диссертациясини ёзди, муваффақиятли ҳимоя қилди.

— Ёшинг ўттизга бориб қолди, ўғлим. Мен ҳам келин кўрсам, невара боқсам дейман. Орзуларим юрагимда кетмасин.

— Тўйга пул тўплайлик, буви, — кулди Шукуржон.

— Баҳоли қудрат сандиққа ташлаганларим бор. Йўқ дема, — мунғайибгина кўзини артди она.

— Келин йўқ-ку...

Оролда Сотти холага қуда бўлай деганлар анчагина экан. Келин ҳам топила қолди. 17 га тўлиб, қишлоқдагиларнинг кўпига орзу бўлиб турган Сайёрахон Сотти холанинг уйини ҳам, кўнглини ҳам файзга тўлдириб келин бўлиб тушди.

Тўйдан кейин Шукуржон Тошкентга кетадиган бўлди.

— Энди Тошкентда яшайсанми, ўғлим?

— Сизни ҳам, келинингизни ҳам олиб кетаман, буви. Келаси ойда институтдан уй беришади. Бирга яшаймиз.

— Мен кетолмайман, болам, — она деворда осиғлиқ суратга бир қараб олиб давом этди. — Кетолмайман, даданг хафа бўладилар.

Шукуржон жим қолди. Онаси кетолмаслигини билади. Кетса ўша оғир, оч-наҳор йилларда қўшни Бўтақара қишлоғидаги ота-онасиникига кетарди. Тоғалари кўп бор айтганда ҳам кўнмаган.

Аслида, мана шу туя ўркачидай адирларни, дала-боғларни, аччиқ, азиз хотираларга бой болалиги ўтган кўчаларни у ҳам ҳеч жойга алишгиси йўқ. Мана шу муштипар аёлни ёлғиз қолдириб Тошкентда нима қилади?

У қайтди. Институтнинг Андижон филиалига ўқитувчи бўлиб қайтди. Яна изланиш, ўз устида ишлаш, қироатхоналарда мутолаа... Сўнгроқ ўзи сингари олим-педагоглар кўпайиб филиал алоҳида институт бўлди. Бу орада Шукуржон Маматқуловнинг анча-мунча монографиялари, илмий рисолалари чоп этилди. Ташкилотчилик фаолияти кўринди. Шогирд эмас, ёш ўқитувчи эмас, устозга айланди. Профессор унвонига лойиқ топилди.

Очерк

— Буви, мени Олтинкўлдаги банк коллежига ишга тайинлашди, — деди у бир куни.

— Олтинкўлга узоқми?

— Унчалик эмас. Бизнинг Андижон туманига қўшни. Одамлари меҳнаткаш, яхши.

— Кўчиб кетасанми?

— Йўғ-ей. Оролни ташлаб бўладими? Қатнаб ишлайман.

— Барака топ. Дадангнинг руҳи қўлласин, болам!

Она дуоси билан иш бошлаган Шукур аканинг Олтинкўлдаги фаолиятига ҳам, мана, 15 йил бўлибди. Бу йиллар Шукур акага обрў, Олтинкўл иқтисодиёт коллежига эса довруғ берди. Ўшанда «Андижон банк коллежи» номи билан юритилган ўқув масканидаги дастлабки иши — юқори педагогик маҳорат, ўқув услубий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар жамоасини шакллантириш бўлди. Профессор Қодиржон Йўлдошев, доцентлар Абубакир Сотволдиев, Соҳиб Баҳромов, Шукуржон Валиев, Баҳодир Солиев, Салоҳиддин Ҳотамов, Муталлибжон Йўлдошев, Абдурауф Абдуллаев, Насриддин Умаров, Неъматжон Араббоев... Андижону Тошкентда номдор бўлган бу олимларнинг коллежда ишлаши таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш, ёш ўқитувчилардан аспирантлар, янги фан номзодлари етишиб чиқишига замин яратди. Шунингдек, таълим стандартларини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, ЎзФА Тарих институти, Банкмолия академияси, Андижон давлат университети билан самарали ҳамкорлик ижобий натижаларини бера бошлади. Коллежнинг иқтидорли беш нафар ўқитувчиси фан номзодлари илмий даражасини олди. Дилсабо Рустамова Ўзбекистон Миллий университетида, Гулчеҳра Султонова ЎзФА Тарих институтига ишга ўтди. Шу ерда ўқиб, шу ерда ишлаб тажриба орттирган Отабек Хўжамов, Қаҳрамон Акбаров, Фаррух Жўрақуловлар вилоятдаги турли коллежларга директор, директор ўринбосарлари бўлиб ишга таклиф қилинди.

— Бир пайтлар ташқаридан олим дўстларини илтимос билан ишга чақирган одам ўз шогирдларини учирма қилибди-да, — сўрадим домладан.

— Уларнинг илмдаги изланишлари учун шу зарур эди. Аммо ҳозир ҳам шогирдлар йўқ эмас, излаб топсангиз, меҳр кўрсатиб тарбияласангиз иқтидорлилар кўп, — деди у. — Мана, эндигина 26 ёшга кирган Зилола Тоштемирована олинг. У шу коллежнинг аълочи ва ташкилотчи ўқувчиси эди. Ўзимизда ишга олиб қолдик. АДУнинг махсус курсига кириб ўқий бошлади. 2010 йили “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловига ўз ўқувчиларини тайёрлади. Республика босқичига чиқиб, Тошкентдан “Энг зукко жамоа” номинацияси бўйича ғолиб бўлиб қайтишди. Шу йилнинг ўзида бундан ташқари яна учта – “Намунали оила”, “Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони”, “Йил аёли” танловларида ўзи иштирок этиб, уччала танловнинг ҳам совриндори бўлди. Ёки информатика муаллими Фарҳод Рўзиевни олинг, унинг шогирдлари жамланган “Заковат”чиларни бугун вилоятда яхши танишади. 2006-2009 йилларда “Заковат”да чиниққан ўқувчилар Нилуфар Турсунова, Саидахон Қозокова, Суннатулла Ёқубов, Анваржон Усмоновлар фан олимпиадаларининг республика босқичида муносиб қатнашдилар. Республика миқёсида ўтказилган “Солиқ билимлари болаларга” кўрик-танловида “Заковат”чилардан иккита нафари — Жасурбек Аббосов ва Тахмина Абдунабиева иштирок этиб, фахрли ўринларни олишди. Фаррух Тоҳиров, Маҳкам Асқаровлар бугун магистратурада ўқиш билан бирга ўзимизда ўқитувчи...

Коллежга кун-кунора меҳмон келади. Кимдир кутубхона фаолиятини, кимдир маънавий-маърифий соҳадаги ютуқларни, ким спорт-даги, ким ёшлар билан ишлаш фаолиятини ўрганиш учун... Коллеждаги ўқувчилар давоматининг 15 йилдан буён бир хил 99-100 фоизлик кўрсаткичи кўпчиликни ҳайрон қолдиради. Аммо бу бор ҳақиқат. Ишонмаганлар ҳар йўсинда текшириб ҳам кўришган. Муҳими, бу масканда текширувчи келиши учун махсус тайёргарлик кўрилмайди. Ўқувчининг махсус форма-либоси ҳам, китоб-дафтарининг тўлиқлиги ҳам, давоматнинг ҳамиша юқорилиги ҳам ўзлари учун. Илмга иззат, интизомга муносабат самараси.

— Кутубхонада китоб олиш учун навбатда турган, ўқув залида дарс тайёрлаб мутолаа қилаётган ўқувчини кўрсам яйраб кетаман. — дейди Шукуржон ака. — Кутубхонамиз икки сменада ишлайди. Китоб фонди 68875 та бўлган бу зиё маскани ҳар йили 34-36 номдаги газета, 13-15 номдаги журналларга обуна бўлади. Компьютерлаштирилган ахборот ресурс маркази мингдан ортиқ адабиётларнинг электрон вариантлари киритилган.

Дарвоқе, коллежда болалар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Қаровсиз ётган бўш майдонни ўзлаштириш ҳисобига 2005-2009 йилларда қўшимча футбол, қўл тўпи, енгил атлетика майдонлари ҳамда замонавий талабларга жавоб бера олувчи сузиш ҳавзаси, ҳарбий шаҳарча, тренажёр заллари ҳам асосан бюджетдан ташқари маблағ ҳисобига ҳашар йўли билан барпо этилган. Ахир, коллежда 60 сотихли гулзор, мевали ва манзарали дарахтлар экилган бир неча майдонлар бор. Теракзорлар коллежга ҳам кўрк беради, ҳам даромад.

Қўшимча ер ўзлаштириб, 270 квадрат метр жойда ёрдамчи хўжалик биноси қурилиши, 6 сотих майдонда помидор, бодринг, лимон етиштирилаётган 3 та иссиқхона ташкил қилиниши, 4 бош қорамол парвариш қилинаётгани, кичик бир бўш ер ҳам бекор қолмай сабзавот экинлари экилиб, даромад олинаётгани ҳам шундан. 2005-2009 йилларда қаторасига “Энг намунали таълим маскани” номига сазовор бўлиш, 2009 йилда “Намунали ободонлаштирилган ва кўкламзорлаштирилган таълим муассасаси” кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринга муносиб топилиши ҳам шундан.

— Болага гўзаллик яратиш ҳақида айтгандан кўра, унинг кўзини гўзалликка ўргатиб тарбиялаш маъқул, — дейди у. — Чунки у инсон қалби ҳайратга, қўли имконга эгалигини англаб улғайиши керак.

Дарвоқе, Шукуржон Маматқуловнинг муаллимларга доим айтадиган бир гапи бор: «Сиз иқтидорли ўқувчини кашф қилинг. Топсангиз қадрланг, тарбияланг. Сизни бу кашфингиз, меҳнатингиз учун мен мукофотлай, мен қадрлай».

Тўғри рағбат. Ахир, келажаги буюкликнинг пойдевори — иқтидорли ёшлар. Уларнинг изланишлари, билими, саъй-ҳаракати, бир гап билан айтганда, дил чироғи билан Ватаннинг тараққиёт йўллари ёришади. Мамлакатнинг ёруғ йўлдан юриши эса келажагининг буюклигига кафолатдир.

Бу ўқув даргоҳида иқтидорлиларнинг қадрланиши кўпга аён. Агар улар қадрланмаганида эди, пойтахт Тошкентда ёки Андижонда эмас, дўппидеккина Олтинкўл туманидаги ушбу коллеж бунчалик довруғдор бўлмасди. Шу коллежда ишлаётган олимлар республика ўрта махсус, хасб-ҳунар таълими муассасалари учун дарсликлар, илмий рисолалар яратмасди. Дарвоқе, Шукуржон Маматқуловнинг ўзигина 30 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи.

— Биз, аввало, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асл моҳиятини тушуниб олишимиз керак, — дейди суҳбатдошимиз. — Хўш, бу дастур нега миллий дастур дейилмоқда. Нега Ватан тараққиёти учун энг зарур иш кадрлар тайёрлаш бўлиб турибди?! Демак, бизга, мустақиллик туфайли уйғонган халққа ўз тарихимиз, ўз йўналишимиз, ўз қадриятларимизни англайдиган, ўзимиздан кўра кучлироқ кадрлар керак. Улар халқимизнинг ўзлигини намоён этиши учун жуда зарур. Бу биз каби ўқув даргоҳларига катта масъулият юклайди.

Домланинг бу тиниқ фикрларини эшитарканман, унинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлгани бежиз эмаслигини англадим.

Замира РЎЗИЕВА

Суратда: Ш.Маматқулов шогирдлари даврасида.

Табиат ва инсон

АЛҚОР, НЕГА КЎЗИНГ ТЎЛА ЁШ?

Қишлоғимиз баландлиги салкам тўрт минг метрга етадиган улуғвор тоғ рўпарасида жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерда овчилик қадимдан ривожланган. Болалигимизда қишлоғимиз овчиларининг суҳбатларига қулоқ тутардик. Бирови: “Қорақияга кийиклар келибди, фалон мерган иккитасини отибди” деса, бошқаси: “Алқорлар ҳам пастлабди, аммо отишолмабди” дея қўшимча қиларди...



Ҳа, ўша пайтларда Чотқол тоғ тизмасининг бир қисми ҳисобланган Қорақияда турли жониворлар кўп эди. Аммо, минг афсуски, секин-аста алқор у ёқда турсин, кийиклар ҳам кўринмай қолди. Ҳозир Чотқолда алқорлар, яъни ёввойи қўйлар бутунлай қолмаган, дейишади. Юртимизда кам учрайдиган алқорлар фақат Нурота, Оқтов ва Томдитов тизмаларидагина сақланиб қолган, холос.

Алқорлар ҳаётидан тайёрланган буклетдаги суратларни кўрганда уларнинг ожиз ва ҳимоясиз ҳолатига гувоҳ бўласиз. Бир суратда, бечора жониворларнинг қаёққа қочишни билмай турган жонсарак ҳолати тасвирланган. Яна бир суратда эса она алқор зовга, боласи орқага тикилганча қотиб туришибди. Улар овчиларнинг шитобидан таҳликага тушган бўлса керак. Шу дам беихтиёр ардоқли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг “Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?” сатрлари ёдга тушди. Уни бироз ўзгартириб: “Алқор, нега кўзинг тўла ёш?” дегим келди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида алқорлар муҳофазаси учун илк қадамлар ташланган эди. Дастлаб ҳимояланадиган ҳудудлар белгиланиб, 1975 йили Нурота давлат қўриқхонаси ташкил этилганди. Ҳечдан кўра кеч деганларидек, бу ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлади. Тўқсонинчи йилларга келиб алқорлар сони Нурота тоғларида бироз барқарорлашди. Аммо вазият барибир мураккаблигича қолди. Чунки қўриқхонадан четга чиққан жониворлар омон қолмасди.

Нурота қўриқхонаси директори Қўчқор Қўрғоновнинг айтишича, алқорлар кўпинча қўриқхона чегарасидан чиқиб, Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Қўшработ туманларига қарашли тоғларнинг кунгай томонларида юрар экан. Етти минг гектар атрофидаги қўриқланмайдиган бу ҳудудларда уларни ҳар ким бемалол овлайверади. Ушбу кўнгилсиз ҳолатга чек қўйишнинг ягона чораси — уларни қўриқхона ихтиёрига ўтказишдир.

Алқорлар сонини кўпайтириш, қадимгидай пода-пода бўлиб юришларини таъминлаш йўлида изланаётган Нурота қўриқхонаси жамоаси ташаббуси билан анча салмоқли ишлар қилинди. Табиат муҳофазасига оид жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, Нурота тоғлари, Жанубий Қизилқум ва Айдаркўл атрофларини Халқаро биосфера қўриқхоналари тармоғига киритиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра, Жанубий Қизилқум, Айдаркўл ва Нурота тизма тоғлари биосфера қўриқхонаси сифатида қамраб олиниши керак. У уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи — ядровий ҳудуд мутлақо соф табиий ҳолда сақланиши шарт. У эса иккинчи қисм, яъни муҳофазаланадиган ҳудуд қуршовида бўлади. Ҳар қандай ташқи таъсирдан қатъий ҳимояланади. Муҳофазалаш ҳудудида эса, табиатга зид бўлмаган хўжалик фаолиятлари учун рухсат этилади. Энг катта учинчи ҳудуд ривожланиш ҳудуди саналади. Ушбу минтақада иқтисодиётнинг экология ва ижтимоий барқарор ривожланиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Хўжалик юритишда анъанавий услублар ва табиатни асровчи замонавий технологияларга йўл очилади. Мақсад битта: биосфера қўриқхонаси иқтисодиётни ривожлантириш, экологик таълимот ва бу соҳадаги илмий текшириш ишларини ягона бир тизимга мужассамлаштириш, атроф-муҳит ҳимоясида узоқ муддатли барқарор ривожланишга эришиш. Бу фаолият, афсуски, ҳанузгача охирига етказилгани йўқ. Маблағ танқислиги, сансоларлик каби сабаблар бунга имкон бермаяпти, чамаси.

Шу ўринда бир юпанчли ҳолат ҳам бор. Қўриқхона директорининг таъкидлашича, айни вақтда ҳудудда икки мингга яқин алқор бор. Қанийди, улар ўзларидан кўпайиб, нафақат Нурота тизмалари, балки Бахмал, Зомин, Чотқол сингари тоғ ён бағирларида ҳам эмин-эркин яйраб, бехавотир ёйилиб юрса.

Хулоса шуки, она табиат фарзанди — алқорларни муҳофаза қилиш учун масъул ташкилотлар билан бирга аҳоли ҳам бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилса хайрли бўларди. Фақат шу йўл орқали атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида кўзланган натижаларга эришиш мумкин.

Асад АСИЛ,
ёзувчи

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

МАЪНАВИЯТ

Фикр

Саҳна юраги

Сўз азалдан инсон қалбининг таржимони. Саҳна санъати ривожланиши билан ҳеч истисносиз сўз тарбия воситасига ҳам айланди. Шу боис бадиий-эстетик жиҳатдан юксак саҳна тилини яратиш бугун театр жамоатчилигининг олдида турган муҳим масаладир. Ахир, қанчалик уринмайлик, Гамлет тафаккуридаги туғёнларнию Мирзо Улуғбек қалбидаги изтиробларни декорация ёки либос орқалигина етказиб беришнинг ҳеч иложи йўқ.

Ўзбекистон Давлат санъат институтида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда замонавий ўзбек театридаги тил муаммоларига доир ана шундай фикрлар ўртага ташланганди.

Биласиз, Маҳмудхўжа Беҳбудий театрни бежиз "ибратхона" деб атамаган. Театр тили ҳамиша халқ учун намуна бўлиб келган. "Гамлет", "Отелло", "Тоҳир ва Зуҳра" каби спектакллардаги машҳур жумлаларнинг одамлар орасида афоризмга айланиб кетишининг асл сабаби ҳам шунда. Хулоса шуки, театр тили мукаммал бўлмагунча жамият тили ҳам нуқсонлардан холи қола олмайди. Демак, асосий диққат эътиборни саҳнадаги актёрларнинг нутқига қаратган маъқул.

Сир эмаски, бугун театрларда тил борасидаги нуқсонлар етарлича. Мазкур камчиликлар пойтахтимизнинг етакчи санъат даргоҳи — Миллий театр учун ҳам бегона эмас. Кейинги вақтларда театр актёрлари нутқида шеваю жаргонлардан меъёрни бузиб фойдаланиш тез-тез кузатиляпти. "Андишали келинчак", "Нексия", "Уч кунлик дунё", "Бевалар", "Дадажон демайман", "Антиқа қудалар", "Оилавий сир" каби спектаклнамо томошаларда ўзбек тилининг адабий меъёрлари қўпол равишда бузилган.

Бугун театрда забардаст овоз эгалари, нутқ санъатининг моҳир усталари йўқ эмас. Бироқ борган сари мазкур театр ижодкорларининг нутқи "бозорбоп" — маиший тил даражасига тушиб кетмаяптимикин? Эҳтимол, аксар спектаклларнинг бадиий савияси ҳаминқадар бўлганлиги учун ҳам мана шундай манзара юзага келаётгандир... Тасаввур қилинг: "Увайсий" спектаклида шоира атрофидаги қизлар ўз шеваларида сўзлаб ўтирса!..

Шеваچилик касали юртимиздаги деярли барча театрлар ва ҳозир "хонтахта" фильм деб номланган киноасарларга тегишли балои дардга айланди. Баъзи ҳолатларда эса актёрлар саводсизликлари туфайли эмас, балки атайин бундай нуқсонларга йўл очиб бераётганига амин бўласиз.

Одатда, мусиқали театр актёридан нутқ имкониятининг кенг бўлиши талаб этилади. Чунки у саҳнада бутун бир оркестр билан ҳамоҳанг фаолиятга киришади. Актёр ўзи ижро этадиган ария, ариоза, дуэтдаги мусиқий мазмун билан саҳнавий нутқнинг мутаносиблигини таъминлаши керак. Бир вақтлар ўз спектаклларига минглаб мухлисларини тўплаган Муқимий номидаги театрдаги бугунги нутқ ўз мавқеини сусайтирган. Мусиқали театрнинг нутқи драма театрларининг нутқи билан бир хил бўлиб қолган. Умуман кейинги пайтларда театр репертуарида ҳақиқий мусиқали драмалар камайиб кетаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Мусиқий драма нутқидаги жозиба, оҳанг, таъсирчанлик ўз қийматини йўқотиб қўяётгани ачинарли ҳол. Балки, бу театрда ҳам маиший мавзудаги енгил-елпи спектаклларнинг кўпайиб кетаётгани мусиқали драма жанрига хос спектакларни репертуардан тушиб қолишига сабаб бўлаётгандир...

Бу муаммоларнинг бир қисми шева ва ўринсиз импровизация билан боғлиқ бўлса, бошқа бир қисми вокал имкониятлари кенг бўлган актёрларнинг театрда йўқлигидир. "Супер қайнона", "Жайдари келин", "Қизи борнинг нози бор", "Паривашга парвонаман", "Синфдош ёхуд куёвликка номзод", "Бахтли бўл дугонажон", "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Ойонам — қайнонам" каби спектаклларнинг саҳна тили мусиқали драма талабларига деярли жавоб бермайди. Импровизацияга рўжу қўйиш актёр овозининг сифатига ҳам таъсир қилади. Шунинг учун кўп ҳолларда диаолог ва монологлардан арияга ўтиш жараёнида табиийлик етишмайди. Устига-устак, кўпгина ижодкорлар мусиқани яхши ҳис қилиш қобилиятига эга эмас.

Маълумки, санъат институтида мураббийлар тўрт йил давомида талабаларга Алишер Навоий, Боборахим Машраб ғазалларини, Уильям Шекспир, Мақсуд Шайхзода монологларини ўргатишади, бор билим ва тажрибани уларга сингдиришга ҳаракат қилишади. Аммо бир неча йил ўтар-ўтмас, театр остонасига қадам қўйган актёрларнинг деярли барчаси берилган сабоқларни эсдан чиқаришади. Бу ҳол бугун мураббийларнинг оғриғига айланган.

Институтда бўлиб ўтган илмий анжуманда соҳа мутахассисларини кўпдан ўйлантириб келаётган муаммоларга жавоб изланди. Устозлар фикрини тинглаб туриб, саҳна санъатини сўз санъатисиз тасаввур қилиб бўлмаслигига яна бир карра амин бўлдим. Тўғри, билдирилган фикрлар баҳсли бўлиши мумкин. Аммо нима бўлганида ҳам мавжуд муаммолардан кўз юмиб, саҳна асарларини томоша қилиб бўлмайди.

Доцент Исоқтой Жуманов, профессор Маҳкам Исроилов, Аҳмаджон Тўлагановнинг мавзу юзасидан билдирган фикр ва мулоҳазалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Азиз ИМОМОВ

Мусиқа

Асрларни қаритган оҳанглар

Бир ҳикматда шундай нақл қилинади: «Мусиқа муҳаббатдан устун эмас, балки унинг ўзидир». Ҳақиқатан ҳам бу дунёда мусиқа, куйдан ҳайратлироқ мўъжиза бўлмаса керак. Илмий тажрибалар шундан далолат берадики, осуда оҳанглар остида гуллар жадалроқ ўсади. Агар чорва боқаётган яйловда мумтоз мусиқа янграб турадиган бўлса, улар берадиган сут кўпроқ ва сифатлироқ бўлади.

Қадимги юнонлар саводсиз одамни «ахдреутос» деб аташган. Бу куйлаш, рақс тушиш, чолғу чалиш, демакки, оммавий «хорей»да иштирок этишга яроқсиз бўлган одамни англатган. «Хорей» аҳолини яхлит бирлаштирувчи ҳаракатни билдирган. Юнон файласуфи Афлотуннинг фикрича, давлатнинг кучқудрати унда қандай мусиқа ритми янграётганлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Платон ва унинг издошлари давлат учун инсон руҳиятини кўтарувчи ва унга ёрдам берувчи мусиқалар керак, деб ҳисоблаганлар.

Шарқда ҳам мусиқий тарбияга алоҳида эътибор берилган. «Қобуснома» муаллифи Кайковус шундай ёзади: «Ҳамма вақт оғир йўллар (мақом)ни чалаверма, ҳамма вақт енгил йўлларни ҳам чалаверма, чунки барча йўлларни бир хилда чалмаслик керак. Негаки одамларнинг ҳаммаси бир хил эмас, табиатлари ҳам бир-бирига мувофиқ эмас».

Марказий Осиё халқлари тарихида мусиқанинг беқиёс ўрни ва аҳамиятини мутафаккирларимиз Ибн Сино, Фаробий, Навоий, Бобур ижодида ҳам кўришимиз мумкин.

Илм-фан тараққий этган ҳозирги даврда ҳам мусиқа ўзининг нуфузини йўқотган эмас. Хитой ва Японияда айрим хасталиклардан фориғ бўлиш учун турли мусиқий альбомлар сотувга чиқарилади. Бош оғриғи, уйқусизлик, жигар ёки юрак хуружидан асрашга мўлжалланган мусиқий альбомларни кишилар керагича харид қилиши мумкин. Шунингдек, ортиқча вазндан, ичкилик ҳамда кашандаликдан халос бўлишни истаганлар учун ҳам махсус мусиқа альбомлари мавжуд.

Мутахассисларнинг эътироф қилишларича, товушларнинг маълум маромда тебраниши энергия майдонини юзага келтиради. Ўша қувват киши организмидаги тўқималар билан мулоқотга киришади. Ана шу энергиянинг ижобий таъсири туфайли юрак уриши, қон босими, тана ҳарорати нормал ҳолга келади. Аксинча, инсон табиатига зид мусиқа организмга салбий таъсир кўрсатиб, ҳатто хаста юракнинг тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин.

Халқларнинг мумтоз мусиқий асарлари чуқур кечинмалар жараёнида инсон руҳини поклаб, унинг қалбини дардчилликдан самовий уйғунликка кўтаради. Биз қуйида ана шундай асарлар яратган буюк польяк композитори Фридерик Шопен ҳақидаги лавҳага эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Фридерик Шопен (1810-1849 йиллар) номи мусиқа санъатида романтизмнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. У оҳангларнинг тенгсиз шоири бўлибгина қолмай, дунё мусиқа санъатида муносиб из қолдирган машҳур шахсларнинг энг севимлисидир. Бугун ҳам миллионлаб инсонлар қалбида унинг мусиқаларига бўлган соғинч яшамоқда. Шопен фақат фортепьяно учун асарлар ёзган бўлса-да, оҳанглар орқали инсон қалбининг энг нозик туйғуларини намоён эта олган.

Рояль композитор учун универсал мусиқа асбоби эди. Унда мусиқачи инсон қалбидаги энг сирли кечинмаларни ва улкан драматик зиддиятларни, долзарб муаммоларни баён этади.

Шопен яратган асарлардан баҳраманд бўлиш, ундан руҳий куч-қувват олишга бўлган иштиёқ ҳамон ошиб бормоқда. Зеро, машҳур рус композитори Антон Рубинштейн таъкидлаганидек, "Ҳеч қайси асар Шопен мусиқаларидек инсонларни орзулар сари етаклай олмайди". Афлотун таъбири билан айтганда, "Ҳақиқий шеърият шоирнинг ақл-заковати, табиати, зикр этилган ғоялари ва унинг даҳосида етилган мукаммал тимсоллар билан чамбарчас боғлиқ". Мусиқа шоири сифатида Шопен мудраётган руҳиятни уйғотади, у ўйлашга, фикр юритишга мажбур қилади. Чунки у ўз куйларида етук ва баркамол туйғуларни ифода этади. Композиторнинг фортепьяно концертларида илҳомбахш шеърий поэмалардаги каби ҳиссиётлар оқими ҳукмронлик қилади. Улар гоҳ ҳаяжонли, гоҳ вазмин, аллаловчи беҳисоб оҳангларга кўмилган марвариддек инсонлар қалбини забт этади. Оҳанглар инсонлар маънавий мувозанатини тиклаб, ҳаёт лаззатларидан тўлароқ баҳраманд бўлишга, янги-янги зафарларга руҳлантиради, кишиларни вазмин табиатли бўлишга, воқеа-ҳодисаларга енгилтаклик билан қарамасликка чорлайди. Ўтиб бораётган умри, ҳаётнинг боқий эмаслиги ҳақида ўйлашга ундайди. Унинг асарларидаги қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати тасвирлари тингловчини ҳаяжонга солади. Бу асарлар мусиқа кўмагида қалбни чуқур сезиш ва ижрочи қалбини тарбиялашда маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Қосимжон СУПИЕВ,
журналист

Хушхабар

"Чавандоз" диплом олди

Яқинда Қозоғистонда бўлиб ўтган VII Осиё қишки олимпиада ўйинлари доирасида "Осиё мамлакатлари маданияти" халқаро кинофестивали ҳам ташкил этилди. Унда замонавий ва миллий спорт ўйинлари, қитъамизда яшаётган халқларнинг миллий маданияти акс эттирилган кўплаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди.

Эътиборли жиҳати, кинофестивалнинг танлов дастуридан ўзбек киноижодкорлари томонидан яратилган "Чавандоз" бадиий фильми ҳам ўрин олди. Фильм қишки олимпиада ўйинлари чоғида Алмати шаҳри кинотеатрларида муваффақиятли намойиш қилинди. Унда тасвирланган халқимизнинг миллий спорт ўйинларидан бири бўлмиш улоқ-кўпкари мусобақасининг ўзига хос жозибаси, чавандозларнинг бетакрор характери, оддий кишиларнинг ибратли турмуш тарзи томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Япония, Индонезия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Жанубий Корея ва бошқа бир қатор мамлакатларда сўнгги йилларда яратилган энг сара фильмлар намойиш этилган кинофестивалда "Чавандоз" фильми фестивалнинг махсус соврини ва дипломи билан тақдирланди.

— Шу чоққача фильм кўплаб халқаро кинофестивалларда иштирок этди, — дейди "Чавандоз" фильми режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамидулла Ҳасанов. — Хусусан, ўтган йили Италиянинг Милан шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли

кинофестивалнинг бош совринига сазовор бўлган эди. Қувонарлиси, дунё киноанжуманларида унга бўлган қизиқиш ҳамон сусайгани йўқ. Бизни хурсанд қиладиган яна бир томони, "Осиё мамлакатлари маданияти" кинофестивалида ғолиб деб топилган картиналарни яна бир қатор халқаро кинофестивалларда намойиш этиш ҳам режалаштирилган. Демак, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам хорижлик томошабинлар ушбу картина орқали халқимизнинг миллий маданияти, ибратли ҳаёт тарзи билан яқиндан танишадилар, деган умиддамиз.

Ўз мухбиримиз

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ!

AGROBANK

"АГРОБАНК" ОАТБ

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан

- "ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА"
- "ЭНГ ЯХШИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲАСИ"
- "ЭНГ ЯХШИ ФЕРМЕР ЛОЙИҲАСИ"
- "ЭНГ ЯХШИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЛОЙИҲАСИ"
- "ЭНГ ЯХШИ ЁШ ТАДБИРКОР ЛОЙИҲАСИ"
- "ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР АЁЛ ЛОЙИҲАСИ"

номинациялари бўйича имтиёзли кредитлар ажратиш танловини эълон қилади

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТУРЛИ ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР ҲАМДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ СЕРТИФИКАТ БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2011 йилнинг 1 майига қадар "Агробанк"нинг ҳудудий филиаллари орқали қабул қилинади ва ғолиблар жорий йилнинг 25 июнида эълон қилинади.
Қўшимча маълумот учун телефон рақамлари:

Марказий аппарат	8-371-150-53-57	8-371-150-53-58	8-371-150-85-10
Банк операциялари бошқармаси	8-371-273-25-19		
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	8-361-770-77-41		
Андижон вилояти бошқармаси	8-374-224-33-28		
Бухоро вилояти бошқармаси	8-365-770-02-32		
Жиззах вилояти бошқармаси	8-372-226-21-04		
Қашқадарё вилояти бошқармаси	8-375-771-15-75		
Навоий вилояти бошқармаси	8-436-770-35-40		
Наманган вилояти бошқармаси	8-369-223-18-96		
Самарқанд вилояти бошқармаси	8-366-229-45-59		
Сурхондарё вилояти бошқармаси	8-376-770-81-12		
Сирдарё вилояти бошқармаси	8-367-221-01-47		
Тошкент вилояти бошқармаси	8-371-244-09-69		
Фарғона вилояти бошқармаси	8-373-224-67-22		
Хоразм вилояти бошқармаси	8-362-770-56-91		
Бектемир филиали	8-371-295-40-28		
Чилонзор филиали	8-371-277-30-99		

"Агробанк" — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Бадиа

СУРХОНДА БОДОМ ГУЛЛАДИ

Кар бирида шапалоқдек романни ўқиб тугатса бўлгулик қишнинг узун тунларидан зерикиб, безовта бўла бошлаган Сурхон воҳасининг сергак одамлари томорқаларида ғимирлай бошлашди. Иссиқ печ олдида ниш ура бошлаган картошкаларни чиқариб жўякларга экишди. Юмшатилган бир энлик жойга кўчатликка дея помидор уруғидан сочилиб, чеккасига ёйсимон симлар қадалиб, усти сувқоғоз билан ёпилди.

Ҳали қировли кунлар ниҳояланмаган эса-да, булутли осмон ортидан тез-тез кўриниш бериб турган қуёш бу безовталикка рағбат билдириб, бодомлар шохларига секин-аста оқ гул тақа бошлади.

Шу кунларда тўрт ёшни қарши олаётган болакай ҳовли адоғида бўй чўзган уйғоқ дарахт шохларидаги оқликни кўриб, суюнчи олиш учун тандир бошида нон ёпаётган энаси томонга қараб чопди. Хушхабарни эшитган она бодом дарахтига бир назар ташлаб қўйди-да, жилмайганча ўғлига пишган нондан бир парча синдириб берди. Иссиқ нонни у кафтидан бу кафтига ағдарганча чопқиллаган болакай акаси Тошкентдан совға қилиб жўнатган Шукур Холмирзаев китобини ўқиётган опасига бу даракни етказди. Китобнинг келган жойига белги қўйиб, ташқарига шошган опажон эса оппоқ гуллар билан бурканган дарахт ёнига бориб, уни яхшилаб томоша қилди. Ва пойтахтдаги таҳририятлардан бирида ишлаётган акасига сим қоқди:

— Ака, ҳовлимизда бодом гуллади!

Буни эшитган ака дилдан севинди, олис тоғлар ортидаги қишлоғининг айни дамдаги ҳолатини кўз олдида жонлантирди:

"Ўқувчилар қўлларига битта донадан кўчат олиб, катта кўкаламзорлаштириш ишига ўзининг кичкинагина ҳиссасини қўшиш учун мактаб томон шошади.

Маҳалла аҳли бир-бирини ҳашарга чорлаган. Ёшу қари бир ёқадан бош чиқариб, ҳадемай ташриф буюрадиган кўкламни кутиш билан овора.

Қишлоқнинг бўй жигитлари елкаларига белкуракларни ташлаганча томорқаларига сув оқиб келадиган ариқларни йил бўйи йиғилган лойқадан тозалаш учун кўча бўйлаб қаторлашиб кетаяпти.

Мўйлаби сабза урган икки ўсмирнинг бири одам қучоғига сиғмайдиган кундалар, иккинчиси эса дошқозон ортилган араваларни судраб, дарвозахонадан ичкарига олиб киради. Яна иккитаси битай деб қолган ерўчоқ четларини текислаяпти. Бу ҳаракатларнинг бари эртага қадрдон хонадонда ўтказиладиган сумалак базми учун тадорик.

«Оёғини ёздириш» учун дарё бўйидаги кенгликка қўйларини ҳайдаб кетаётган болакай уч-тўрт кунлик қўзичоқларни сурувдан айрилиб қолдирмай ортидан қувади».

Шовқин-суронли шаҳарнинг қоқ марказидаги баланд қаватли бинонинг кичкинагина хонасида соғинч болалаган хаёлидан айни ўйни ўтказган ака шу сонияда деворлари яқиндагина оқланган қишлоғидаги ота уйида бўлиб қолгиси, жажжи укасидан бодом гуллаганини такрор эшитгиси келди. Онасининг тандирда ёпган нонидан тўйиб-тўйиб ейишни, қишлоқдош ошналарига кўмакдош бўлишни ич-ичидан истади. Аммо унинг бу ерда бажарадиган бир қатор юмушлари борки, у ҳам бўлса, мана шу юртда қилинаётган улкан бунёдкорликка қалами орқали ўзининг беминнат улушини қўшиш...

Телефоннинг яшил тугмачасини босиб, суҳбатни якунлаган мухбир аканинг қалбига жимитдеккина недир оралади. Кўринмас симлар орқали қорли чўққилар нарёғидаги қишлоқ одамларининг баҳорни соғиниб, кўкламойим ташрифи учун пояндоз ёзаётганини ҳис қилди. Қўлига қалам олди. Сўнг сингилчасидан эшитганларию, кўнглидан кечаётган бари туйғуларни қоғозга тушира бошлади...

Фозил ФАРҲОД ўғли

Ҳар йили баҳорнинг илиқ нафаси димоғимизга урила бошлаганда қачонлардир ўқиганим қуйидаги ривоят хаёлимга келаверади.

Ўтган замонларда Қор маъбуди бўлган экан. У ўз рафиқаси — Қор маъбудаси билан бирга фаровон турмуш кечираркан. Вақт-соати келиб, Қор маъбудаси қиз фарзанд кўрибди. Унга Қорпарча деб исм қўйишибди. Қорпарчанинг нафақат юзи, балки сочлари ҳам оппоқ экан. Улғайиб ниҳоятда соҳибжамол бўлган Қорпарчага совчилар кела бошлабди. Лекин қиз уларнинг барчасига рад жавобини бериб қайтараверибди. Ой унга совчи юборибди, Қуёш нури эса севги изҳор қилибди. Аммо қизга Ой ҳам, Қуёш нури ҳам маъқул тушмас экан. Қизининг бу ишидан Қор маъбудининг жаҳли чиқибди.

— Келган совчилардан ҳеч бири сенга ёқмади. Бўлди, энди, мен танлаган куёв билан турмуш қурасан! — дебди у.

Шундан сўнг Қор маъбуди Шамол маъбуди билан қуда бўлишни келишиб олади. Шамол маъбудининг тўрт нафар ўғли бор экан: Шимол шамоли, Жануб шамоли, Ғарб шамоли, Шарқ шамоли. Қорпарчани Шимол шамолига узатадиган бўлишибди. Қор маъбудаси қизи учун сарполарни тайёрлаб, тўй тараддудини кўра бошлайди.

Ниҳоят ҳамма интиқлик билан кутган кун ҳам келибди. Оқ парчадан тикилган никоҳ кўйлагида қиз шунчалар гўзал эканки, таърифга сўз ожиз эмиш. Тўйга йиғилган меҳмонлар икки ёш бир-бирига жуда ҳам мос эканини таъкидлаб, уларга бахт-саодат тилашибди. Ҳамма шод-ҳурраму, фақат келингина маъюс кўринаркан. Шимол шамоли секин келиб, Қорпарчанинг қўлидан тутганда:

— Мен уни севолмайман, — дебди келин пичирлаб.

Унинг бу сўзларини фақат онаси эшитибди. Эшитибди-ю қайғуга ботибди. "Наҳотки қизим бахтли бўлмаса", деган ўй унга тинчлик бермай қўйибди.

Тўй авжига чиққан маҳал Шимол шамоли укасидан куй чалиб беришни сўрабди. Жануб шамоли булутнинг бир четига ўтириб, бошини эгиб турган ҳолда най чала бошлабди. Ундан таралаётган латиф куйнинг сеҳри Қорпарчанинг бутун ихтиёрини ўз қўлига олиб, жозибадор ҳаракатлари билан ҳаммани лол этибди. Кутилмаганда Шарқ шамолининг акасига ғайирлиги келиб, хўмрайиб олганча йиғлашга тушибди.

— Шундай шодиёна кунда нега йиғлаяпсан? — деб сўрабди ундан Шамол маъбуди ҳайрат билан.

— Нима учун Қорпарчани акамга унаштирдингиз, менга эмас? Ахир мен ҳам шундай қизга лойиқ эдим-ку, — дебди Шарқ шамоли.

Шу онда бошини кўтарган Жануб шамолининг кўзи чарх уриб рақсга тушаётган Қорпарчанинг нигоҳи билан тўқнашиб кетибди. Шу дам қизнинг чақнаган кўзларидан муҳаббат ёғдуси тараларди. Жануб шамоли бу ёғдунинг асирига айланибди. Мусиқа янада латифроқ тарала бошлабди. У фақат Қорпарча учун куй чалар, қиз эса Жануб шамоли учун рақсга тушарди гўё. Қизининг бу ҳаракатларидан хавотирга тушган мушфиқ она: "Рашкчи Шимол шамоли сезиб қолса нима бўлади?" дея ўйларди.

— Жон қизим, илтимос, ўз эҳтиросларингни жиловла, — дея шивирларди Қор маъбудаси ёнида айланаётган Қорпарчага.

Муҳаббат туғён ураётган юракни жиловлаб бўлармиди?! Бу куч қаршисида ҳатто инсонлар ҳам ожиз-ку, энди Қорпарчага йўл бўлсин.

Атрофдагиларга аҳамият бермай, Қор маъбуди билан суҳбатга берилган Шимол шамоли ҳеч нарсани сезмай қолиши ҳам мумкин эди. Лекин ғаламис Ғарб шамоли акасини астагина туртиб:

— Жануб шамолининг ўтли нигоҳларидан Қорпарча ҳадемай эриб кетиши мумкин, — дебди аччиқ истеҳзо билан.

Бу гапларни эшитиб, жаҳли чиққан Шимол шамоли дарғазаб бўлганча укасига:

— Агар ҳозироқ найни беркитиб қўймасанг, мен уни чил-парчин қилиб ташлайман, — деб пўписа қила бошлади.

Жануб шамоли куй чалишдан тўхтабди. Қорпарча ҳеч нарсани тушунмай, жавдираган нигоҳини боши эгик ошиғидан узмасдан қотиб қолди. Наҳотки, мана шу бир лаҳза унинг ҳаётини остин-устун қилиб ташласа?

Шимол шамолининг дарғазаб овози қизни ўзига келтирди.

— Қорпарча, унутма, сен меникисан. Жануб шамоли, сен ҳам унутма, у сеники эмас! Ана энди, менинг мусиқамга ўйнайсан.

Шимол шамоли шундай ҳуштак чалибдики, йиғилганларнинг этлари жимирлаб кетибди.

— Рақсга туш! — дея буйруқ берибди у.

Қорпарча эса Жануб шамолининг ўзи томонга узатилган қўллари қаршисида сеҳрлангандек турарди. У орқасига бурилмоқчи бўлди. Лекин оёқлари муз сумалакка айланган мисол унга бўйсунмасди.

— Рақсга туш, мен учун рақсга туш! — дейди тағин Шимол шамоли қаҳр билан.

Унинг овозидан ер кўк ларзага келди. Аммо Қорпарча жойидан жилмади.

Шунда Шимол шамоли қўйнидан узун қамчисини чиқариб, боши узра ўйнатибди-да:

— Ука, мендан энди хафа бўлма! Лаънати куйинг билан барини барбод қилдинг. Гулзору боғларингни аяб ўтирадиган нодон йўқ. Шу кечанинг ўзидаёқ уларни нобуд этаман. Эртага кўз ёш тўкиб, қуриган шохларда чайқаласан, — дебди.

Акасининг бу гапларидан эсанкираб қолган севгилисининг аянчли аҳволини кўриб, Қорпарча ёрдамга келибди. У парёстиқни титиб юборибди ва шу заҳоти боғларни оппоқ қор қоплабди. Шу дам уларга шамол изғирини хавф сола олмасди. Бу ишдан ғазабланган Шимол шамоли Қорпарчани урмоқчи бўлиб, қамчисини боши узра ўйнатибди. Лекин қиз ўзини четга олиб, зарбадан қутулиб қолибди.

Жануб шамоли Қорпарчани бағрига босиб, ўз боғи томон учибди. Аммо акасининг қаҳридан қутилишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Қизни қаерга яширишни ҳам билмасди. У Қорпарчани атиргуллар бутасининг панасига олибди-да:

— Токи акамни енгиб қайтгунимга қадар сен мени шу ерда кутиб тур, — дебди. Бунга жавобан Қорпарча:

— Азизим, сени бир умр кутишга ҳам тайёрман, — дебди.

Жануб шамоли Қорпарчани шиддат билан бағрига босибди. Унинг қайноқ оғушида севгилиси эриб, шудринг томчисига айланиб, ерга сингиб кетибди. Шу пайт аламзада Шимол шамоли етиб келибди:

— Қайда у? Қаерга яширдинг? Бирга турганларингни ўз кўзим билан кўрдим-ку, ахир!

— Акажон, энди талашадиган нарсамиз қолмади, — дебди маъюс тортган Жануб шамоли. — У шудринг томчисига айланиб, ерга сингиб кетди.

— Мен унга ҳам, сенга ҳам ишонмайман. У қайтиб чиқмаслиги учун устидан муз бостириб қўяман, — дебди Шимол шамоли.

...Шундан бери Жануб шамоли вақти-вақти билан гулзору боғларни айланиб чиқаркан. Эрта баҳорда унинг яқинлашганини сезган Қорпарча эса музни нафаси билан эритаркан-да, гулга айланиб, ер қаридан бошини чиқарганча севгилисининг меҳр тўла кўзларига боқаркан.

Бу манзарани кўрган одамлар эса "Қаранглар, боғда бойчечак очилибди", дея қувониб кетишаркан.

Лобар РАҲИМЖОНОВА

Спорт

ТЕННИСЧИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ҳиндистонда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган «Aurangabad — 2011» халқаро турнирининг якка беллашувлари теннисчимиз Влада Екшибарова ғалабаси билан якунланди.

Мусобақанинг саралаш босқичида мезбонлар вакиласи Дипа Енгадени 6:0, 6:0 ҳисобларида мағлубиятга учратиб, асосий турга йўлланма олган истеъдодли теннисчимиз кейинги учрашувларда италиялик Мартина Какиотти (6:2, 6:1), исроиллик Екатерина Тур (6:1, 6:2), японияли Канаэ Хисами (6:2, 6:4) ва ҳиндистонлик Шармада Балу (6:1, 6:3)дан устун келди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи беллашувида Влада Екшибаровага таиландлик Варатчая Вонгтеанчайга қарши кортга чиқиб, 6:1, 6:4 ҳисобида зафар қўнди.

МАРИАН ГАБОРИК ЯНА ЖАРОҲАТ ОЛДИ

Миллий хоккей лигасининг «Нью-Йорк Рейнджерс» клуби ҳужумчиси Мариан Габорик жароҳат олди. Бу ҳақда баёнот берган клуб бош мураббийи Жон Торторелланинг сўзларига кўра, спортчининг мияси чайқалган.

Йигирма тўққиз ёшли Мариан Габорикнинг самарали фаолият кўрсатишига кейинги пайтларда жароҳатлар тўсқинлик қилмоқда. Жумладан, 2010-2011 йилги мавсумда у елкасидан олган жароҳати туфайли октябрь ва ноябрь ойларида 12 та ўйинни ўтказиб юборган эди. Шунга қарамай, спортчи МХЛ доирасида ўтказилган 47 учрашувда 17 марта шайбани рақиб дарвозасига аниқ йўллаган, 21 марта ҳаммуаллифлик қилган.

ҲАЛИ РИНГДА ИШИ КЎП

Ўта оғир вазнда WBA чемпиони ҳисобланган англиялик Дэвид Хэй боксдаги фаолиятини қачон якунлашини оммага маълум қилди. Ўттиз ёшли чарм қўлқоп устасининг журналистларга берган интервьюсидан маълум бўлдики, у бир нечта жангдан сўнг катта спорт билан хайрлашади.

— Жорий йилнинг май ойида чемпионлик камаримни даъвогарлар — Александр Поветкин ёки бошқа боксчилардан муносиб ҳимоя қилиб, кейин яна бир бор WBO ва IBF чемпиони Владимир Кличко билан куч синашаман, — деди машҳур боксчи мухбирлар билан мулоқот чоғида. — Албатта, у рози бўлса. Украиналик спортчига қарши 2011 йилнинг сентябрь ё октябрь ойида рингга чиқишни мўлжаллаб турибман. Шундан сўнггина боксдан кетишим мумкин.

Sauerland Events промоутерлик компаниясининг тарқатган маълумотларига кўра, Александр Поветкин Дэвид Хэй билан муштлашишга тайёр.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@dolza.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	Қашқадарё —	8-375-357-75-10
Андижон —	8-374-250-90-39	Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Бухоро —	8-365-592-85-02	Фарғона —	8-373-225-80-58
Самарқанд —	8-366-233-62-12	Хоразм —	8-362-224-73-33
		Навоий —	8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.40

® — тижорат белгиси.

Адади: 9212 Буюртма — Г-226 1 2 3 5